БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган


1990 йил 17 октябрь Чоршанба

№ 198 (13.634). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»

ЛАФЗИ ҲАЛОЛНИНГ ЁРУҒДИР ЮЗИ



Қашқадарёликлар ва фарғоналиклар йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар



Минг азоб уқубатли ўтган бўлмасин, йиллик режасини уддалаган деҳқоннинг юзига барибир севинч инади. Елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил ҳис этади ўзини.

Белгиланган режани уддалаган Қашқадарё, Фарғона вилоятлари меҳнаткашларининг кайфиятларидаям шундай руҳ.

Миллионлар аёнки, хўжаликларнинг кичик хирмонларидан бунёд этилади. Мана, Косон ноҳиясидаги 52-хўжаликнинг Нурмурод Сатторов бошлиқ бригадасини олайлик. Комсомол-ёшлар ихтиёрларидаги 20 гектар ердан 30 тонна хом-ашё йиғишди. Ҳамма ҳосил машиналарда жамғарилган.

Боғдод ноҳиясидаги «Победа» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳақида ҳам илиқ фикр айтгинг келади. Пахтакорлар бу йил 1779 гектар майдонда юқори ҳосил етиштиришди. Ҳозир ҳам далаларда терим давом этяпти. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА: бригада етакчиси Н. Сатторов ҳамда илғор теримчи Бумайрам Рўзиматовалар.

Суратлар муаллифлари Ж. БОБОРАҲМАТ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ.



ҚЎШ ҒАЛАБА

ФАРҒОНА. Вилоят пахтакорлари дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 15 октябрь куни давлатга пахта топшириш йиллик режаси ортиғи билан уддаланди. Қабул пунктларига 452 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга сотилди. Ўртача ҳосилдорлик эса гектар ҳисобига 28 центнерданга тўғри келди.

Бу меҳнат ғалабасига Ўзбекистон, Ёзёвон, Тошлоқ, Фрунзе, Фарғона, Қува ва Риштон ноҳияларининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айни кунларда вилоятдаги 17 давлат хўжалиги, 45 жамоа хўжалиги, 1419 та бригада оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшираётир.

Шуниси қувончлики, қўлга киритилган меҳнат ютуғида вилоятда пахтачилик соҳасида ташкил этилган 137 та комсомол-ёшлар бригадаларининг ҳам муносиб ҳиссалари бордир. Уларнинг юзга яқини белгиланган топшириқларни ортиғи билан адо этдилар.

Фарғона ноҳиясидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигидан Ғайратжон Рустамов бошлиқ ёшлар бригадаси, Фрунзе ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг Карл Маркс номли комсомол-ёшлар бўлими бошлиғи Анваржон Мирсандовлар бошчилик қилган жамоалар ёшлар ўртасида ташкил этилган меҳнат баҳсида байроқдорлик қилдилар.

Вилоятда пахта топшириш қизғин давом этаётир.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Воҳа меҳнаткашлари ҳам дастлабки довондан ошиб ўтдилар. Давлат қабул пунктларига 490 минг тонна пахта топширилиб, йиллик режа бажарилди. Ғузор, Ульянов, Қамаши, Косон ва Қарши ноҳияларининг меҳнаткашлари барчага ибрат кўрсатиб ишлаб, айни кунларда мажбурият ҳисобига пахта топшираётир.

Йигит-қизлар ҳамкасбларига намуна бўлдилар. Ёшлар раҳбарлик қилган бригадалар биринчилардан бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Косон ноҳиясидаги ВЛКСМ XX съезди номли комсомол-ёшлар давлат хўжалиги меҳнаткашларининг ишлари айниқса, таҳсинга сазовордир. Мазкур хўжалик аъзолари вилоятда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этдилар. Бундай жамоалар ва бригадалар вилоятда талайгина.

Шу кунларда даладаги қолган ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Зафар маррасига етиб келган хўжаликлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

(Ўз мухбиримиз).

М. С. ГОРБАЧЕВГА НОБЕЛЬ ТИНЧЛИК МУКОФОТИ БЕРИЛДИ

ОСЛО, (СИТА). — 1990 йил учун Нобель тинчлик мукофоти ССЖИ Президенти М. С. Горбачевга берилди. Бу ерда Норвегия стортинги (парламенти) Нобель қўмитаси шу ҳақда эълон қилди. Қўмитанинг баёнотида таъкидланишича, совет раҳбари тинчлик жараёнини ривожлантиришда етакчи роль ўйнаган раҳбар сифатида шу мукофот билан тақдирланди. М. С. Горбачев туфайли совет жамиятида эришилган жуда кенг ошкоралик халқаро ишончни ҳам мустаҳкамлашга кўмаклашди. Сўнгги бир неча йил ичида, дейилади сўнгра баёнотда, жаҳонда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда катта ўзгаришлар юз берди — мухолифлик ўз ўрнини музокараларга бўшатиб берди. Бу ўзгаришлар бир неча омиллар туфайли юз берди, бироқ Нобель қўмитаси ўз қарори билан М. С. Горбачевнинг бу соҳадаги жуда кўп қатъий ҳаракатларини тегишлича баҳолашни истайди.

ПРЕЗИДЕНТ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ҲАҚИДА

«Бундай дақиқаларда сўз топиш қийин. Мен ҳаяжондаман»,— деди ССЖИ Президенти Михаил Сергеевич Горбачев совет ва чет эл журналистларининг унга Нобель тинчлик мукофоти берилганлиги тўғрисидаги саволларига жавоб қайтариб. Норвегия Нобель қўмитасининг қабул қилган қарори ҳақида Норвегиянинг ССЖИдаги элчиси Дагфинн Стенсет маълум қилди, у Кремлда ССЖИ Президентининг ҳузурида бўлди.

ССЖИ Президенти бу воқеани «аввало шахсий жиҳатдан эмас, балки қайта қуриш катта ишининг аҳамияти жиҳатидан» идрок этаётганлигини таъкидлади. «Қарор қабул қилиниши учун шу нарса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ўйлайман,— деди у. — Биз қайта қуришни бошлаганимизда, у барча мамлакатлар учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлишини билган эдик».

ССЖИ Президенти мукофотни топшириш маросимида қатнашиш учун 10 декабрда Ослога бориш ниятида эканлигини журналистларга маълум қилди.

(СИТА мухбири). Москва.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармони

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда рўй бераётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг муваффақияти, жамиятнинг ахлоқий ва маънавий тараққиёти ҳар бир совет кишисининг маданиятига ва унинг шахсини доимий ижодий камол топтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу вазифани ҳал этиш халқ таълими бутун системаси, шу жумладан олий ўқув юртларининг эркин ва самарали ишлашини талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган янги ижтимоий-сиёсий вазиятда мутахассисларни ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифати, олий ўқув юртларидаги таълим ва илмий ишнинг самарадорлиги уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимояланиши, давлат томонидан муқим қўллаб-қувватланиши, ўқимишлилик ва касбкор тайёргарлигининг ижтимоий қадр-қимматини ошириш билан белгиланади.

Жамиятнинг илм-зиё имкониятларини янада кучайтириш, халқнинг таълим ва маданияти даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

1. Олий ўқув юртларининг ташаббусига биноан уларга ССЖ Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларига мувофиқ ишлаб чиқиладиган ўз низомлари асосида ҳаракат қилувчи ўзини ўзи бошқарадиган (мухтор) ташкилотлар мақоми берилсин.

Олий ўқув юртининг низоми иттифоқ ва жумҳурият халқ таълимини бошқариш идорасининг қарори билан қайд этилиб, белгиланган тартибда рўйхатга олиш йўли билан мана шундай мақом берилиши мумкин.

2. Ушбу Фармоннинг 1-моддасига мувофиқ мухторият олган олий ўқув юртлари фойдаланиб келган асосий жамғармалар ва бошқа давлат мол-мулки уларнинг ажралмас мулкига берилиб, мулкнинг мақоми «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунининг 17-моддасига татбиқан белгилансин.

3. СССР Олий Кенгашига ССЖ Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг халқ таълими тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида ушбу Фармоннинг қоидаларини эътиборга олиш тавсия қилинсин.

4. ССЖИ Вазирлар Кенгаши ССЖ Иттифоқида олий таълимни ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш чоғида олий ўқув юртларини қайд этиш тартибини, Иттифоқ бюджетининг маблағи ҳисобидан олий мактабни пул билан таъминлаш ҳажмларини кўзда тутсин, таълимни ривожлантириш нормативларини, Иттифоқ таълим, ижтимоий ва илмий дастурларини пул билан таъминлаш шартларини белгилаб қўйсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил, 12 октябрь.

ҲУРМАТНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК



Уни йўлакда кўриб қолдим. Ҳар доимгидек бирор янгиликни айтишга чоғланди.

— Ноҳияларда делегат сайлашга бағишланган пленумлар тугади. Делегатлар сафида сиз ҳам бормисиз? — Беихтиёр шу савол оғзимга келди.

— Ҳа, нарпайлик комсомоллар сайлашди.

Вилоят комсомол қўмитаси комсомол ташкилотлари шўъбаси мудири Бўрибой Бўронов билан суҳбатлашар эканман унинг Ўзбекистон комсомоли XXIV съезди ҳужжатлари юзасидан билдирган айрим мулоҳазалари диққатимни тортди:

— Булунғур ноҳиясида бўлиб ўтган пленумда бир ўқитувчи сўзга чиқиб, шундай деди: «Комсомол сафига қабул қилиш 16 ёшдан бўлсин. Сабаби, бугунги кун болаларнинг онги кеч ривожланяпти».

Мен бу фикрдан кейин ўрнимдан туриб кетдим. Болаларга бундай «айб» қўйишга нима ҳаққимиз бор? 72 йилдан бери «14 ёшдан комсомол сафига ўтаман» деган тушунчани нимага бирдан йўққа чиқаришимиз керак? Уставга янгилик киритиш у ёки бу нарсаларни ҳадеб ўзгартириш билан ўлчанмайди. Менинг фикрим — комсомолга қабул 14 ёш қилиб белгилансин. Авваллари фирқа сафига комсомол сафидагилар комсомолнинг тавсияномаси орқали ўтишарди. Энди эса ундай ҳуқуқимиз йўқ.

БЛКЁИнинг XXI съезди Уставида ҳам, Ўзбекистон комсомолининг Устави лойиҳасида ҳам съездлар чақириш муддати 3—4 йил деб белгиланган. Съезд ҳар беш йилда бир марта чақирилгани яхши. 3 йилда чақирилса — 2 йил ўз ишимиз билан банд бўламиз, қолган бир йилида истаймизми-йўқми съездга тайёргарлик ишлари билан боғланиб қоламиз. Ахир ҳар бир нарсада марказдан нусха олишдан қачон қутиламиз?!

Менинг бир баҳсли фикрим бор. БЛКЁИ Устави қабул қилинди. Бу яхши. Лекин энди ҳар бир жумҳурият комсомолларининг ўз Устави бўлиши ҳам керак. Бироқ мазкур Устав марказникига зид бўлмаслиги лозим. Бундай бўлгандан кейин алоҳида Уставга эга бўлиш шартми?

Комсомол съездига кўп ҳуқуқ бериб юборилган Устав лойиҳасида. «Съезд Марказқўмнинг биринчи котиби билан назорат комиссиясининг раисини сайлайди» дейилади. Менимча, съездда Марказқўмнинг барча котиблари сайлансин. Ахир биринчи котиб съездлар орасида бошқа ишга ўтиб кетса, яна съезд чақириладими? Демоқчиманки, Марказқўм ваколатига барча котибларни, шу жумладан ўрни бўшаган котиблар ўрнига янгиларини сайлаш ҳуқуқи берилсин.

30—31 бандларда ўхшашлик жуда кучли. Маъно битта, яъни съездлар ўртасида 30-бандда «конференция ўтказиш», 31-бандда «референдум ўтказиш мумкин» дейилган. Иккаласини бир бандга бирлаштириб, «конференция ё референдум ўтказиш мумкин» — дейиш керак. Ёки бу бандларни умуман чиқариб ташлаш лозим. Нимага? Сабаб — фаолиятимизни мажлисларга айлантириб қўямиз. Конференция ё референдум съезд қарорларига ҳеч қандай ўзгартириш кирита олмайди. Шунинг учун уларнинг чақирилиши беҳуда.

32. 1 бандда Марказқўмнинг Бюро аъзолари ҳақида гап боради. Менинг таклифим: «кенгаши раиси» сўзидан сўнг «вилоят комсомол қўмиталарининг биринчи котиблари ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг Бош нашри — «Ёш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири» киритилиши шарт қилиб қўйилсин.

42.2 бандда комсомол аъзосининг аъзолик бадалларини тўлаш ҳақида гап боради. Ҳеч бир комсомол аъзосини аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилмаслик керак. Аъзолик бадали — комсомол аъзоси билан комсомол ташкилоти ўртасидаги воситачи кўприкдир. Буни бузмаслигимиз керак.

Аъзам Аҳроровнинг Устави лойиҳасида КПСС аъзоси бўлган комсомол ходимлари бадалларни КПСС кассасига эмас, комсомолга тўласин дейилган. Лекин мен бунга бутунлай қаршиман. Агар мен фирқа аъзолик бадалини комсомолга тўласам — фирқа аъзолигимдан маъно не? Яна бир гап. Вақти келиб мен комсомол ишидан кетсам яна бадални фирқага тўлайманми?

Устав лойиҳаси жуда мураккаб тилда ёзилган. Баъзи ўринларда маъно келиб чиқмаган. Бу она тилимизга беҳурматликдан бошқа нарса эмас. Мен мана шундай тушунаман. Аввало, ўзини ҳурмат қила оладиган инсонгина тилни ҳам ҳурмат қилади.

Суҳбатдош: Гули ЧЕҲРА, «Ёш ленинчи» мухбири.

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III Пленумининг резолюцияси

«Мамлакатда юзага келган вазият ва БЛКЁИдаги аҳволни ҳисобга олган ҳолда БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг амалий ҳаракатлари тўғрисида»

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми қарор қилади:

1. Мамлакатнинг барча фирқалари ва ҳаракатларига жамиятда вазиятни беқарорлаштирувчи сиёсий акциялар ўтказишни тўхтатиб туриш, инқирозли ҳолларни бартараф этиш, фуқаролик тотувлигига эришиш юзасидан биргаликдаги ҳаракатларни ишлаб чиқишга эришиш ҳақидаги таклифлар билан мурожаат қилинсин.

2. Қуйидаги амалий ҳаракатлар рўёбга чиқарилсин:

— Бозорга ўтиш, ҳарбий ислоҳотлар ва бошқа ҳаракатлар амалга оширилиши муносабати билан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар СССР Президентига, ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар Олий Кенгашларига юборилсин, бозор иқтисодиётига ва мамлакат ҳамда мавзеларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўтиш ҳаракатномаларида уларнинг ҳисобга олинишига эришилсин;

— ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва яхлит давлат ёшлар сиёсатини ўтказиш юзасидан тадбирларни амалга ошириш учун мамлакат жумҳуриятлари, ўлкалари ва вилоятларининг бошқарув органлари тузилмаларида ёшлар ишлари юзасидан давлат органларини ташкил этиш таклиф қилинсин;

— барча сиёсий фирқаларга, касаба уюшмаларига, жамоатчилик бирлашмаларига, диний ташкилотларга давлат ёшлар сиёсати оёққа туриб олишида ҳокимият органларига моддий, молиявий ва бошқа қўллаб-қувватлашлар кўрсатишлари таклиф қилинсин;

— янги иқтисодий шароитларда мамлакатда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш системасини яратиш учун БЛКЁИнинг молиявий маблағлари ҳамда моддий базасидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблансин. «Ёшларнинг ижтимоий хизматининг давлат-жамоат ахборот системасини, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш «Меҳнат биржаси» тузиш юзасидан таклифларга қўшилинсин, БЛКЁИнинг аъзолик бадали сифатида системани тузишга юз миллион сўм ажратилсин. Белгилаб қўйилсинки, маблағ қўйиш характери (Кенгашларга, ҳамкорликдаги корхоналарнинг муассасалари ва бошқа вариантларга бериш) давлат ҳокимиятининг тегишли органлари билан келишилган ҳолда федерация субъектлари томонидан белгилаб берилади;

— янги иқтисодий муносабатларни қарор топиши юзасидан ёшларнинг тезроқ ишга бевосита киришиб кетиши мақсадида хорижда мутахассисларнинг тажриба ўрганишини ва қайта тайёрлаш, ёшларга омилкорлик таълими системасини яратиш юзасидан ҳаракатнома кенг қулоч ёйдирилсин. Шу муносабат билан СССР Президенти кўмагида ташкил этилаётган халқаро ёшларни алмаштириш Жамғармаси қўллаб-қувватлансин. Федерация субъектларининг бадали сифатида ташкил этилаётган жамғармага 20 миллион сўм қўшилсин ва БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига БЛКЁИнинг бир қатор объектларини жамғармага бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилсин;

— ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида мамлакатда ёшларнинг сайру-саёҳатини ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилсин. Ёшлар сайру-саёҳатини ривожлантиришга 125 миллион сўм ажратилсин.

3. Пленум БЛКЁИ иштироки билан ташкил этилган ёшлар корхоналари ва ташкилотларига ўзларининг куч-ғайратларини қўшимча халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишни кенгайтиришга, зарур бўлиб қолган ҳолларда, истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқариш характерини қайта ўзгартиришга даъват этиб мурожаат қилади.

«Ривожланиш» акционерлик жамиятининг ижтимоий қайта тикланишга муҳтож бўлган болалар учун янги ўйинлар воситалари ва ўйинчоқлар чиқаришни кўпайтириш юзасидан ишлаб чиқариш ҳаракатномасини кўпайтиришга устав бадали сифатида 25 миллион сўм ажратилсин.

4. Ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этиш учун 5 миллион сўм ажратилсин. Белгилаб қўйилсинки, жамғарма лойиҳаларини марказий даражада рўёбга чиқариш учун 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилишини ҳисобга олган ҳолда федерация субъектлари томонидан тақсимланади.

5. 1991 йил баҳорида БЛКЁИ XXII съездини ўтказиш зарур деб ҳисоблансин. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига федерация субъектлари съездларининг якунларини умумлаштириш ва комсомол съездини ўтказиш муддатлари ҳамда тартиби юзасидан амалий таклифларни навбатдаги пленумга киритиш топширилсин.

«Обуна—91»

Бир корхонада 1500 муштарий

Худди шундай. Хива гилам комбинатида меҳнат қилаётган 1500 нафар йигит-қиз «Ёш ленинчи»га обуна бўлди. Комбинатда 3000 нафар киши ишлашини, шунинг тенг ярми комсомол аъзолари эканлигини назарда тутсак, бу жуда катта кўрсаткич.

— Бу комбинат комсомоллари етакчилари Фарҳод Фаробов ва Қувонч Исмоиловаларнинг ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бораётганлигининг натижаси» — дейди ноҳия комсомоллари етакчиси Бахтиёр Жуманиёзов.

Минг нафардан ортиқ талаба таълим олаётган табобат билим юртида 400 дан зиёд ёш «Ёш ленинчи» муштарийлари бўлдилар. Комсомол қўмитаси пахта йиғим теримида фаол қатнашган комсомолларни ўз ҳисобидан обуна қилди.

...Боғот ноҳиясидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли жамоа хўжалигида ўтган йили 100 нафарга яқин киши «Ёш ленинчи»га обуна бўлганди. Бу йил уларнинг сони 300 нафарга етди. Хўжалик комсомол қўмитаси котибаси Оқилжон Эгамованинг фикрича, хўжаликда ўтган йили ўтказилган рўзнома байрами ўз таъсирини ўтказди албатта. Келгуси йилдан Боғот бўрдоқичилик базасидаги 60 чорвадорнинг ҳаммаси «Ёш ленинчи»ни ўқийдиган бўлди.

Боғот ва Хива ноҳияларида муштарийлар сони аллақачон ўтган йилдагидан анча ошиб кетди. Шунингдек, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Хазорасп, Янгиариқ ноҳияларида ҳам ёшлар нашрларига обуна бўлиш тезкор давом этаяпти. Дарвоқе, Хоразмга қўшни Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Элликқалъа ноҳияси ёшлар сардори Ф. Ибодуллаевнинг айтишича бу ерда ҳам «Ёш ленинчи»га қизиқиш катта, ҳудудда муштарийлар сони ўтган йилдагидан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. (Ўз мухбиримиз).

Хушхабарлар

Чирчиқдаги 1-махсус ҳунар-техника билим юрти битирувчилари мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида меҳнат қилишмоқда. Билим юрти ўзининг эллик йиллигини нишонлади. «Чирчикстрой» трести базасида яратилган ушбу ишчилар тайёрлаш масканн ҳозиргача жумҳурият қурилиш ташкилотларига малакали ғишт терувчилар, бетончилар, сувоқчиларни тайёрлаб бермоқда. 1-махсус ҳунар-техника билим юрти битирувчилари зилзиладан зарар кўрган Тошкент ва Газлини тиклашда фаол ишладилар.

* * *

АНДИЖОНДАГИ 35 та ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ўз қўллари билан ишлаб чиқариш устахоналарида ясаган уч юз минг сўмлик маҳсулотни вилоятда очилган ярмарка пештахталарига қўйдилар. Ярмарка доирасида ана шу буюмларнинг кўрик конкурси бўлиб ўтди. Унда бирданига учта жамоа: Андижондаги 10-, Пахтаободдаги 2-, ва Комсомолободдаги 24-махсус ҳунар-техника билим юртлари биринчи ўринни эгалладилар.

* * *

УЗБЕКИСТОНДАГИ тиббиёт олий ўқув юртлари ректорларининг кенгаши тузилди. Ҳозирча шу турдаги олий ўқув юртлари жумҳуриятда олтита. Бу йил Нукус Давлат дорилфунуни махсус куллиёт очиб, шифокорлар тайёрлай бошлади. Келаси йилдан Бухоро тиббиёт илмгоҳи ҳам очилади. Кенгаш ишларни мувофиқлаштириши, малакали шифокорлар тайёрлашни яхшилашга кўмаклашиши керак.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

НЕГА ЁЛҒИЗСИЗ, ДОМЛА?

Ҳар бир қария бир вақтлар навқирон йигит бўлгани ҳақиқат, аммо ҳар бир йигит қария бўлади, деб бўлмайди, шунинг учун биз қарияларни эъзозлашимиз керак, деган экан ғарб донишмандларидан бири.

Зариф Абдуллаевич ана шундай кишилардан бири. У бир вақтлар бизга рус тили фанидан дарс берарди. Пенсияга чиққач, кўча-кўйда, бекатларда, бозорда ўйчан ҳолда кўп учратдим. Менда у билан суҳбатлашиш истаги туғилди.

Зариф аканинг отаси ўзбек тилшунослигига кўп ҳисса қўшган олим, Самарқанд давлат дорилфунунининг профессори Абдулла Сулаймонов. У ўғлининг ўзи каби олим бўлишини орзу қилар эди.

Шундай бўлди ҳам. Зариф ака Сулаймонов Ғ. Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институтида самарали меҳнат қилди. Филология фанлари номзоди, доцент бўлди. Зариф Абдуллаевич татар миллатига мансуб бўлса-да, том маънода ўзбек. У ўзбек тилида равон гаплашади, ўзбекларнинг урф-одатини яхши билади, ҳурмат қилади. У умрининг 30 йилини ёшларга бағишлади.

— Аммо умр мазмуни фақат иш, ижод, фанга янгилик киритиш эмас экан. Оила, бахт деган буюк туйғулар инсон ҳаётида муҳим ўрин тутаркан, — дейди Зариф Абдуллаевич. — Таассуфлар бўлсинки, икки йилдан буён ёлғизман. Қаранг, бир вақтлар дорилфунун деворий газетасида шеърларим эълон қилинарди, ўзбек тилида ёзардим шеърларни. Домла тиришган, ғадир-будур титроқ қўллари билан қоғоз титкилайди. Ёшлиги ёдига тушди шекилли, кўзлари ёшланиб бир нуқтага узоқ тикилиб қолди.

Собиқ домламизнинг ҳаётини, яшаш тарзини кўриб ачиндим, тўғриси, виждоним қийналиб кетди. Наҳотки шунчалик лоқайд, бефарқ бўлиб қолганмиз. Ахир ҳали меҳр-шафқат, оқибат деган туйғулар юрагимизни бутунлай тарк этмаганку. Зариф Абдуллаевичдек ёлғиз қарияларга меҳрибонлик қилсак, уларнинг ҳолидан хабар олиб турсак, ўзимизнинг инсоний бурчимизни бажарган бўлардик. Чунки улар одамларнинг бир оғиз илиқ сўзига, меҳрига нитиқ бўлиб яшайдилар.

Б. ШЕРМАТОВ,
Сирдарё давлат педагогика билимгоҳи толиби.

ИМТИЁЗ

Жиззахдаги пластмассалар заводи касаба уюшмаси қўмитаси пенсияга чиққан меҳнат фахрийларига омонат дафтарчаларини топширди. Ҳар бир пенсионернинг омонат дафтарчасига уч минг сўмдан пул ўтказилган.

Шу корхона фахрийлари учун касаба уюшмаси қўмитаси турли имтиёзлар белгилади. Улуғ Ватан уруши фахрийлари ҳар байрамда 100 сўмдан оладилар. Улар учун квартира олишга имтиёзли навбат белгиланди.

Касаба уюшмаси қўмитаси корхона ходимлари учун бошқа имтиёзлар белгиланишига ҳам муваффақ бўлди. Шу йилдан бошлаб меҳнат таътили узайтирилиб, 24 кунга етказилди. Ҳар бир киши дам олишга чиқиш пайтида 70 сўмдан қўшимча ҳақ олди.

ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

Қорақалпоғистондаги ихтисослашган хўжаликларнинг деҳқонлари давлатга шоли сотиш режаларини бажардилар. Хирмонга 212 минг тоннадан кўпроқ дон тўкилди.

Бу йилги мавсум ерлик шоликорлар олдига оғир вазифа қўйди: улар суғориладиган ҳар гектар ернинг самарадорлигини анча оширишлари керак бўлди. Чунки мухтор жумҳуриятда кўп суғориладиган ана шу экин майдони анча қисқартирилган эди.

«Хоразм» давлат хўжалигидан Жақсилиқ Қобулов, «Олтинкўл» давлат хўжалигидан Омонниёз Жубанов, «Тахтакўпир» давлат хўжалигидан Абилбой Одилов бошлиқ ижара жамоалари ҳаммадан ҳам яхшироқ натижага эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 50-60 центнер ҳосил кўтаришди.

Давлат буюртмаси бажарилди, лекин ҳали шолипояларда ҳосил бор. Қорақалпоғистон деҳқонлари 20 декабргача ўримни тўла тугаллаш, келаси йили ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш ниятидадирлар.

(ЎзТАГ).



Тўрақўрғон ноҳия марказининг «Тошкент» маҳалла қўмитасида оқсоқолларнинг ташаббускор гуруҳи тузилган. Меҳнат ва уруш фахрийларидан иборат гуруҳ яқинда тузилган бўлишига қарамай бир қанча ишларни амалга оширди.

Шу пайтгача маҳаллада битта ҳам қонунбузарлик қайд қилинмади. Ишга яроқли ҳар бир одам иш билан таъминланган. Яқиндагина уй бекалари бўлган 14 та аёл ҳозир Тўрақўрғон қуруқ мевалар заводида меҳнат қилмоқда. Қаровсиз ётган ташландиқ ерлар ўзлаштирилиб мевали дарахтлар экилган. Бу улар ҳисобидаги иккинчи боғ.

Ижара усулида иш олиб бораётган Қаюмовлар оиласи маҳалладаги оилавий тантаналар ва тўйлар учун ҳар хил мазали таомлар ва ширинликлар тайёрлаб беради.

СУРАТДА: «Манти жуда ширин бўлибди» деб тўла кафолат бермоқда ошпаз Моҳира Қаюмова.

Суратчи А. КОВТУН (ЎзТАГ).

Одамлар ва тақдирлар

БУХОРОЧА

Бир чимдим ҳақиқат бўлмаган кун — кун эмас. Ичадиган сувинг, ейдиган таомингда бир чимдим ҳалоллик бўлмаса, улар ҳаромдир. Донишлар ўгитларида тўпа эмас, бир чимдим, деб урғу берадилар. Таскин, тасаллими бу ёки инсон шахсининг ҳақиқат устидан тўла зафар қозонишига ишончсизликми! Ҳақиқатни ким қандай тушунишидан қатъи назар у бутун, ягонадир.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ Олий Кенгашининг Ошкоралик комиссиясига келган бир шикоят аризаси сабаб ёзганимиз инсон ҳақ-ҳуқуқи ва адолат ҳақида. Ҳеч бир ижодкор йўқки, буюк мазмун — ҳақиқат ҳақида ёзмаган, унга қайта-қайта мурожаат этмаган, бу буюк ғояга дуч келмаган бўлсин! Зотан, инсон ҳаёти бусиз пуч, мазмунсиз, азал ва абад учун даҳшатли хавфга, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларга йўл очган бўлур эди. Бусиз қонунлар пуч, бусиз ҳаёт йўқ, бусиз ер у коинот сарвари, деб улуғланган Инсоннинг номи рўё! Ер у кўкда бўлсин, бир дақиқа шу ҳақда ўйлаганингда атрофингда, ҳаётингда, жамият аталмиш маконингда кечаётган ёлғон, яъниким ҳақ чеҳрасига тортилаётган қора пардадан ор қиласан, у билан абадий курашга бел боғлайсан.

Кейинги 2—3 (1987-88-89) йил ичида Бухорода ҳуқуқи поймол этилган, тақдири топталганлар ҳақида матбуотда қатор танқидий мақолалар эълон қилинса-да, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бурчи юклатилган маъмурий орган ходимлари қонун олдида жавоб бермадилар, баъзилари ҳайфсан билан кифояланиб, аксарияти янада юқори лавозимларга кўтарилдилар. Бухоро вилояти судлари 200 дан ортиқроқ фуқароларнинг жиноят ишларининг сифатсиз бажарилганлиги ёки сохталиги учун қайта терговга юборди. Уларнинг аксарияти оқланди.

Фикримизни давом эттиришдан олдин Ғиждувон шаҳар Фурқат кўчаси, 67-уйда яшовчи Болта Раҳматовнинг шикоятига мурожаат этсак. Мақола давомида унинг шикоятидан айнан кўчирмалар (чунки тўлиқ кўчиришнинг имкони йўқ) келтиришни лозим топдик.

«Мен 32 йилдан бери шифокор ва 22 йилдан ошиқ Бухоро вилояти Ғиждувон ноҳиясида судмедэксперт вазифасида ишладим. Судмедэкспертизанинг вилоят бўйича бошлиқлари Қиличев ва Раҳмоновнинг ножўя ҳатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилганимдан сўнг улар менга нисбатан тирноқ ичидан кир ахтара бошладилар. Уларнинг суиистеъмолчиликлари ҳақида мен Бухоро вилоят фирқа қўмитасига, вилоят прокурори Г. Матюшовга, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Усмонхўжаевга, икки марта соғлиқни сақлаш вазири Худойбергановга, унинг ўринбосарлари Асадов ва Шариповга, жумҳурият прокурори Усатовга, СССР бош прокурори Сухаревга, «Известия» рўзномасига, жамоа бўлиб КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби Андроповга ва сўнгроқ М. С. Горбачевга, СССР Олий Кенгаши халқ депутатларининг I съездига ва бошқа ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдим, лекин ёзган шикоятларим яна қайтиб вилоят прокурори қўлига келиб тушаверди. (Эътибор беринг, хайриятки, Болта Раҳматовнинг хат-саводи бор экан, илгариги замонда, у шунча арзномалари учун бор давлатини сотиб мирзага берса ҳам етмасди!) Ошкора танқид учун улар (Г. Матюшов, вилоят судмедэкспертизаси раҳбарлари) вилоят фирқа қўмитасининг собиқ котиби С. Баҳронова орқали тил бириктириб, менга нисбатан жиноий иш қўзғатишга эришдилар. Тергов бир томонлама, фақат айблов йўналишида олиб борилди. Даъволарим инобатсиз қолдирилди... Мени «Иш қайта терговга қайтса, бўйнингга оғирроқ фактларни қўямиз» деб қўрқитмоқчи бўлдилар, шунга қарамай иш вилоят судлари томонидан тўрт марта терговга қайтарилди...»

Болта Раҳматов ким ва у қандай жиноятга қўл урди?

Б. Раҳматов Ғиждувонда туғилган. Олий маълумотли шифокор. 1976 йилда ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётини тугатган. Оилали.

— Судмедэкспертизанинг Бухоро вилояти бўйича бошлиқлари Қиличев ва Раҳмонов билан кўп бора тўқнашдим, курашдим, — дейди Б. Раҳматов. — Сабаб, уларга ишдаги тўғри хулосаларим маъқул келмасди. Уларнинг хоҳиш-иродаси билан хулосаларимни ўзгартиришим, масалан: ўлдирилган кишини ўзи ўлган, чўктирилган кишини ўзи чўкиб ўлган қабилида. Ахир бу мумкин эмас, ҳар лаҳза қонун ва виждоним олдида жавобгарликни ҳис қилмай иложим йўқ эди... 1982 йилнинг февралида Тош Ғайбуллоевнинг жасади сувдан топилди, у ўлдирилган эди. Лекин вилоят судмедэкспертизаси ходимлари менинг хулосамга зид, яъни ўзи сувда чўкиб ўлган, деб хулоса ёзишди. 1982 йил Оқилов Одил ўлимида ҳам айнан юқоридаги ҳол қайтарилди.

1983 йилда Афлятдинова Рашида ўлдирилиб, Вобкент дарёсига ташланган, буни ҳам раҳбаримиз М. Раҳмонов ва Ортиқов юрак касаллигидан ўлган, деб хулоса ёздилар. Худди шундай ҳол 1982 йил Жумаев Бахтиёрнинг ўлимида, 1983 йили эса Қодиров Сафохоннинг ўлимида ҳам такрорланди. Мисоллар кўп...

Ҳа, мисоллар кўп, бир эмас, икки эмас... кўп. Баъзида ишонганимиз қоғозлар инсон қилмишини, жиноятини ошкор этса, баъзида яшираркан. Б. Раҳматов бировнинг жиноятини яшириб, ўзи жиноятчи бўлиб қолаётган шахслар, раҳбарлар билан якка ўзи ошкора курашга бел боғлаган экан, уни тинч қўйишмасди, албатта. Аввалига муроса, сўнг қўрқитиш, кетма-кет уйида тинтув ўтказиш, мол-давлатини тийинма-тийин ҳисоблаш, вилоят ҳудудидан четга чиқмаслик чорасини қўллаш, шахсий машинасини маълум муддатта олиб қўйиш... Буларнинг ҳаммаси ҳали тенг ҳуқуқли фуқаронинг айби, жинояти исботланмай туриб қўлланилган жазолар эди. Охир-оқибатда юқорида номлари кўрсатилган шахслар Б. Раҳматов устидан уйдирма жиноий иш қўзғашга муваффақ бўлдилар. Унинг 22 йиллик судмедэкспертлик иш фаолияти, ҳуқуқшунослик маълумоти инобатга олинмади, тўғриси, у билан ҳеч ким ҳисоблашмади.

Яхшиси, бу ҳақда унинг ўзидан эшитсак:


— Мени 1987 йил 20 июнда Ўзбекистон ССЖ ЖКнинг 161-149-моддасининг 1-қисми ва 151-моддаси билан айбладилар. Ниҳоят, шу йил январь ойида Ромитан ноҳия халқ суди мени айбсиз деб топди ва оқлади. Вилоят судининг жиноий ишлар коллегияси Ромитан ноҳия халқ судининг ҳукмини ўз кучида қолдириб, прокурор протестини инобатсиз қолдирди.

Шунга қарамай, мана уч йилдирки, вилоят прокуратураси мени жиноий қувғин қилмоқда, осойишта яшашга ва ишлашга ҳалақит бермоқда. Менга ва менинг оиламга нисбатан террор ўтказмоқдалар, бекор қилинган ишга қайта-қайта «ишлов» бермоқдалар...

Б. Раҳматовга нисбатан қўзғатилган жиноий иш тафсилотини тўлалигича ёзиш, тўпланган қоғоз-ҳужжатларни санаш, улардан кўчирмалар келтириш учун бутун бошли рўзнома камлик қилади. Лекин уч йиллик сарсонгарчилик, севган касбидан ноҳақ бўшатиш, оиласига етказилган моддий ва маънавий зарарни кўра била туриб унинг арзига қулоқ солмаслик инсофдан эмас.

— Вилоят прокурорининг ўринбосари Ф. М. Коннов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи Усмонхўжаевга қонунсиз равишда мени ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ берди. Ахир, бу, қонунга тупуриш эмасми? Ахир бу, Ўзбекистон ССЖ КЗОТнинг 158, 159-моддаларига зид-ку? Шундай йўллар билан мени вазифамдан озод қилдилар, даволаш ишларидан четлатишни сўраб, Ғиждувон ноҳия касалхонасининг бош врачига хат ёздилар. Бу нима — ҳукмми? Ахир мен жиноятчи эмасман-ку? Инсонни жиноятчи дейишга, уни касбидан бўшатишга фақат суд ҳақли эмасми? Буларнинг ҳаммаси собиқ вилоят прокурори Матюшов, унинг ўринбосари Коннов ва вилоят судмедэкспертизасининг бошлиғи Раҳмонов ва Усмонхўжаевнинг қабиҳ ишларидир. Улар мени тинглашни, эшитишни, даъво аризаларимни текширишни хоҳламайдилар, чунки бу жиноий иш Матюшов ва Конновнинг ташаббуслари билан қўзғатилган! Улар ўзлари ясаган ишни ўзлари чиппакка чиқаришмайди...

Б. Раҳматовни яқиндан билган, унинг жиноий иши ва тақдирига дахлдор мутахассисларнинг фикри:



1. Фазлиддин ХОЛОВ, Ромитан ноҳия халқ судининг собиқ раиси, ҳозирда Шофиркон ноҳия халқ судининг раиси.

— Болта Раҳматовнинг иши суд тажрибасида жуда кам учрайдиган иш. Бу тахлит ишларни объектив ҳал қилиш учун медицинадан хабардоргина бўлиб қолмасдан, ҳақиқий билимга эга бўлиш, махсус адабиётларни синчиклаб ўрганиш лозим. Жароҳат, рентген, лаборатория далилларини текшириш чоғида ишонч ҳосил қилдикки, вилоят судмедэкспертизаси томонидан берилган ва жумҳурият бюроси томонидан комиссион тартибда тасдиқланган хулосаларнинг бирортаси ҳам судда ўз тасдиғини топмади. Суд Б. Раҳматовни айбсиз деб топди ва оқлади.

Диққатингизни яна шундай бир далилга тортмоқчиман. Б. Раҳматовни тузоққа илинтириш учун ташланган тўрнинг бир учи жумҳурият пойтахтигача етган. Биз, яъни суд жумҳурият бош судмедэксперти З. Ғиёсовга телеграмма жўнатдик. Ғиёсов эса чақирилмаган кунга етиб келди. (Уни судда мутахассис сифатида кутган эдик.) Шу куни суд мажлисини қайта чақиришга қарор қилдик ва буни Ғиёсовга билдирдик. У эса «ҳозир келаман» деб чиқиб кетди, келмади. Бу ҳақда ўз вақтида вилоят бюросига (Раҳмонов) мурожаат этдик. Хуллас, Б. Раҳматов ўзининг ҳақ эканини судда илмий асослади.

Шавкат НАРЗИЕВ, ноҳия касалхонасининг бош врачи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

— Болта Раҳматовни 13 йилдан буён биламан. У ўз ишига ниҳоятда талабчан, саводли, тажрибали, айтиш мумкинки, виждонли киши. Унга нисбатан қўзғатилган жиноий иш албатта чиппакка чиқади, унинг ҳақлигига шубҳа қилмайман. Мени бир нарса ўйлатади, Б. Раҳматов, оиласи, фарзандлари нима учун қайси жинояти учун уч йил азоб чекди? Уни ёмонотлиққа чиқарганлар (агар виждонлари бўлса) бир муддат ўзларини унинг ўрнида ҳис қилсалар эди.

Б. Раҳматов ўзини мутлақо ҳақ деб билмасдан, балки янглишгандирман, деган ўй билан хулосаларининг бир нусхасини Украина врачлар малакасини ошириш институтига (ишга аниқлик киритиш ниятида) жўнатади. 1986 йил 12 июлда олий малакали категорияга эга судмедэксперти, тиббиёт фанлари номзоди, Украина врачлар малакасини ошириш институти судмедицинаси кафедрасининг доценти Б. С. Лакизодан жавоб олди. Унда Б. Раҳматовнинг хулосалари тўғри, деб топилганди.

Болта Раҳматов адолатсизлик жабрини тортди, кўп эмас, кам эмас — уч йил! У ҳозирда ҳам ўзининг барбод этилган, тўла тикланмаган ҳақ-ҳуқуқи учун курашга шай.

Б. Раҳматов шикоятида қайта-қайта тилга олинган Бухоронинг собиқ прокурори Г. Матюшов ким? Бу саволга жавоб топиш жараёнида хоразмлик шоир Қурбон Матризонинг ўтмишда «Қози тайинлаш ҳақида»ги шеърининг мазмуни ёдга тушди. (Маълумки, хон замонларида суд ва прокурорлик мансабини қози бажарган). Хон ҳар йили қози тайинлашда қийналар экан. Чунки қозилик мансабининг талабгори кўп. Талабгорларнинг шаштини қайтариш учун хон шундай фармон чиқарибди. Ким шаҳарда қози бўлишни истаса, тўрт фасл қозилик қилади ва сўнгра қатл қилинади. Кимки шунга рози бўлса, мамлакат фуқаросига қози ўша! Хон фармонидан шод, ғавғодан қутулдим, деб эрталаб сарой дарвозасига қараса, юзлаб одам тўпланганмиш. Қозилик талаш, ўлим эсдан чиққан, барчасининг кўзида, дилида мансаб илинжи... Аъёнлардан бири бир йил қозилик қилиб, охирида боши кетибди. Аммо марҳумни қабрга қўймай туриб, бир тўп оломон «энди гал менга» деб хонни безовта қилишибди. Ниҳоят, хон янги фармонга имзо қўйибди:

Бу шаҳарда қози бўлиш
кимнинг ниятн,
Унга бўлур улуғ хоннинг ягона
шарти:
Бундан буён ушбу амал
берилур қирқ кун,
Қози бўлмиш сўнг этилур
ўлимга маҳкум».

Хуллас, хон элни амал курсисидан бездириш учун ҳар қандай оғир фармонга имзо чекмасин, барибир, харидор, талабгор топилаверибди.

Бу мазмунни эслатишимиздан боис, яқин кунларгача Ўзбекистон амал курсилари четдан келганларга ҳадя сифатида улашилди. Ҳадя олганлар орасида биз эслаган хон замонларидек тало-тўп кураш кетгандир, буниси бизга қоронғу! Ҳар ҳолда Бухорога прокурор бўлиш РСФСРдан келган Г. Матюшовга насиб этди. Г. Матюшов даври (1985—89) Бухорода қонун ва қонунчиликка завол етказишнинг энг баланд чўққиси сифатида тарихда қолажак. Ҳар ҳолда яқин бир-икки йилда қонунни тўғри ва одилона назорат қилиш вазифаси юклатилган «адолатпарвар» прокурорнинг ғайри қонуний ишлари ҳақида жумҳурият матбуотида кетма-кет танқидий мақолалар босилди.

Гапни аввалидан бошлашга тўғри келади. 1988 йил 27 сентябрда Бухоро вилоят фирқа қўмитаси собиқ биринчи котиби И. Жабборов номига мактуб келди. Мактубни Бухоро давлат педагогика билимгоҳининг «Совет давлати ва ҳуқуқи» кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Исоқ Мардонов ёзган эди. Муаллиф вилоятда қонун ва адолат принциплари бузилаётганлиги фактига тўхталиб, амалий чоралар тўғрисида ўз тавсияларини таклиф этганди. Мактуб эгасини топди-ю, баҳосини топмади, қадрланмади, эътиборга олинмади. И. Мардонов Бухоронинг кейинги раҳбарларига ҳам худди шу мавзуда мурожаат этди. Бироқ таклифлари изсиз кетди. Жабрдийдаларнинг оҳ-воҳлари ҳуқуқшунос муаллимнинг қалбида, қаламида паноҳ топди. «...Инсон озодлиги ва ҳуқуқини таъминлаш, ҳимоя қилиш Октябрь инқилоби ва коммунистик цивилизациянинг энг буюк ғояларидан бирадир, — деб ёзган эди И. Мардонов. — Совет қонунларига кўра ҳеч ким ғайри қонуний қамоққа олиниши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бироқ кейинги йилларда (Г. Матюшов прокурорлик даври) Бухорода ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи органларнинг хатоси билан кўплаб айбсиз кишилар ойлаб, ҳаттоки йиллаб қонунсиз қамоқхоналарда сақланди... Нега Бухорода қонундан чекиниш ҳоллари юз бермоқда? Нега кишиларнинг қадр-қиммати, шахси, ҳақ-ҳуқуқлари озодлиги топталаяпти? Қонун ва қонунчиликка завол етказишдан мақсад нима?..»

Бухоро раҳбарлари билан иш битмагач, «Совет Ўзбекистони» рўзномасида «Қонундаги адолат» (1989 йил 26 апрель) номли танқидий мақола босилди. Собиқ прокурор Г. Матюшовнинг санкцияси билан ноҳақ қамоққа олинган Шофиркон ноҳия сил касалликлари санаторийсининг бош врачи Р. Камолов, вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги С. Сатторов, БДП билимгоҳининг проректори доцент Ж. Рамизов, Когон пахта тозалаш заводи собиқ директори И. Самадов ва яна ўнлаб жабрдийдалар таскин туйдилар. Чунки уларнинг топталган ҳақ-ҳуқуқлари маълум маънода тикланганлиги кўпчиликка етказилган, айбсиз эканликлари ойдинлашган эди ўша мақолада.

Афсуслар бўлсинким, Г. Матюшов шанига айбнома сифатида ёзилган юқоридаги танқид унинг ғайри қонуний ҳаракатларини тўхтатолмади. Ҳаммага тенг ҳисобланган қонунларнинг устидан тепкилаб ўтиш учун унга шундай кенг йўл очиб қўйилдики, ўйлаб ўйингга етолмайсан киши...

Мақола муносабати билан вилоят судининг аъзоси Сайфи Бобониёзов СССР Олий Кенгашининг Социалистик қонунчилик ва гражданлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитасига қуйидаги мазмунда мурожаат этди:

«...Мана, беш йилдирки, РСФСРдан «кадрлар ва қонунчилик»ни мустаҳкамлаш учун юборилган Г. Н. Матюшов Бухоро вилоят прокурори. У ишлаётган даврда Бухорода шунчалик қонунга зид фактлар рўй бердики, ҳатто бундай ҳолат совет ҳокимияти ташкил этилгандан буён кузатилмаган. Дастлаб ўнлаб, сўнг юзлаб фуқаролар ноқонуний ва асоссиз равишда қамоққа олиндилар, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Улар 2—3

ТУҒДОНА

Ўсимликлар дунёсида ҳам, ҳайвонот оламида ҳам ўрганишга арзийдиган турлар кўп. Ҳозиргача Қашқа воҳасининг табиати, унинг бой ресурслари, шифобахш ўсимликлар олами тўлиқ ўрганиб чиқилмаган.

Туғдона — дарахт ҳолидаги бутасимон ўсимликлар оиласига мансуб бўлиб, бизнинг табиий шароитимизда жуда кам учрайди. Асли ватани номаълум. Анча вақтгача бу ўсимликни ҳам кишилар хурофотга боғлашган. Макка-ю Мукаррамадан келтирилган азиз дарахт, деб сиғинишган, бутоқларига турли хил латта-путталарни боғлаб ташлашган. Туғдона ўсган жой — азиз ер сифатида тавоб қилинган.

Туғдонанинг меваси кичик-кичик, думалоқ, қизил-сарғиш рангда пишади. Таъми нордон. Суйиб истеъмол қилса бўлади. Биолог олимларнинг аниқлашича, таркибида одам тани учун фойдали витаминлар сероб.

Нега у туғдона деб аталган? Буни қариялар ҳам билишмайди. У Чироқчи ҳудудида — Қоратепа тоғи ён бағирларида учрайди. Лангар, Тарағай, Қуруқсой, Говхона, Тутли қишлоқлари қирларида бир неча туғдона сақланиб қолган. Бургалик азизлар, деган жойда беш туп туғдона ўсади. Энг каттаси Бургалик азизларнинг ўзида. Тошнинг кўксидан ёриб чиққан, жуда катта, тарвақайлаб ўсиб ётибди. Илдизида на тупроқ, на сув, на нам бор. Менингча, бутун ривожланиши ҳаводан.

Говхона қишлоғидаги қадимги учта тегирмоннинг ўрнида ҳам туғдона ўсимлиги бор, шундоққина қишлоқдан чиқаверишдаги тошнинг қаъридан ўсиб чиққан.

Қалқама воҳасининг билимдони, тўқсон яшар отахон Мурод бобо Шералиевнинг ҳикоя қилишича, туғдона хосиятли ўсимлик. Қачонлардир бу қишлоқларда ҳам кўп ўсган. Кейинчалик боқибеғамлик, калтабинлик ва чорва молларининг кўпайиши натижасида йўқолиб кетиб, у ер — бу ерда сақланиб қолган.

— Бу воқеага 50 йиллар бўлди, ўшанда 40—41 ёшда эдим, — дейди Мурод бобо ўйчан. — Ўртоғим, тенгдошим Очил бобо билан (марҳум) ана шу туғдона ўсимлиги олдига келдик. Унинг меваси пишган пайт эди. Бир-икки дона олиб истеъмол қилдик. Шу ерда ўрнатилган кўприкнинг изларини кўрдик. Ариқдан оқиб, шу ерда ўрнатилган 3 та тегирмонни юргизган сув ўрнини, изларини, тош қўйилган нуқталарни бирма-бир қараб чиқдик. Рости, бир ариқча сув оқаётган дарёмизда бир вақтлар 33 та тегирмон юргизилганлигини ўйлаб, ўтган йилларни хотирладик. Худди мана шу ўсимлик ўсган тошнинг ён томонидаги араб алифбоси билан ёзилган ёзувга кўзимиз тушди. Чиройли битилган. Тошга бундай ёзиш, ҳам уста, ҳам мулла одамнинг қўлидан келарди. Битикнинг юқори томонида: «Хати амали уста Шермаҳмат» деган ёзув, қуйироғида эса калимаи шаҳодатнинг бошланиши ёзилган. Менингча, ёзув тугалланмаган. Уста бошқа куни келиб ёзмоқчи бўлган-у, бироқ вақти бўлмаган. Ёзувнинг остки қисмида эса: «Ҳижрий 930 йил» деб ёзиб қўйилганлигини ўқидик. Шундан сўнг ,дўстим иккимиз уста Шермаҳматни тегирмонлар устаси бўлган, деб тахмин қилдик. Ўзимизча, қишлоғимиз тарихини уққандек бўлдик.

Демак, бундан 480—500 йиллар илгари ҳам мана шу ерлар ажойиб гўша бўлган, боғ-роғлар қад ростлаган, 33 та тегирмоннинг 3 таси худди ана шу туғдона ўсимлиги ўсган тошда бўлган. Тегирмоннинг изи бор. Битта ариқдан сув келган. Балки, Қоратепа ён бағридаги улкан қабристон «Шаҳартева», яъни Говхона қишлоғи ҳудудида шаҳар бўлган йиллар ўша пайтга тўғри келар. Ҳар ҳолда, қишлоғимиз тўғрисида айтилган тарихий гап бор: «Гулхонаи минг боғ, энг юқориси Ойна боғ». Худди мана шу Ойна боғнинг, Гулхонаи минг боғнинг излари ана шу битикка келиб тақалса керак. Ҳозир ҳижрийда 1410 йил. Ёзув битилганига 480 йиллар бўлган. Кўҳна тарих.

Мурод бободан бу ҳикояни эшитганимдан сўнг ўша туғдона ўсган жойга бордим. Араб алифбосидан хабари бор дўстим Хуррам Мўминов билан тошдаги битикларни қидириб топдик. Ҳақиқатан ҳам ёзувлар яхши сақланган, ҳуснихатда ёзилган. Аммо, қишлоқ кишилари шу ердаги йўлни кенгайтириш учун тошларни ағдаришганда нуқси имлон хатга ҳам тушган. Кўҳна тегирмон, кўприк излари билиниб турибди. Ариқдан эса уч тегирмон эмас, илон изигина сув жилдираб, оқаяпти. Туғдонанинг шохлари ҳам синдирилган. Каллакланган, кичкинагина бўлиб қолибди. Меваси мўл. Татиб кўрдик, тахир. Пишмабди ҳам. Мурод бобонинг таъкидлашича, туғдона дарахти танаси — ёғочидан жуда нақшинкор туморлар ясаш мумкин. Асосан бешикларга осиб қўйиладиган турли хил шаклдаги туморлар ана шу дарахт ёғочидан ясалган.

Мен эса қариядан туғдона, битик ҳақида ўз мулоҳазаларини сўрадим.

— Қатли ом шулки, бир подшолик ёхуд хонлик, беклик иккинчисини енгса, ғолиб чиқса, уч кун мағлуб томонни қирғинбарот қилишни — одамларни қиришни, мол-ҳол, бойликларини талашни, кўнглига келган ишни амалга оширишни буюрган. Шаҳартева шаҳар бўлганда Говхона (Аслида Гулхона бўлиши керак — Мурод бобо таъкиди) ва атроф қишлоқларда ҳам мана шундай қатли ом бўлган бўлса ажаб эмас. Мулла уста Шермаҳмат яшаб ўтган замонда ҳам балки талош-талошлар бўлгандир. Кўп вақт одамлар қирилиб, бу ерларда ҳеч ким яшамаган. Ёшгина эканлигимда, бобом, отамлар қишлоғимизнинг икки юз йиллик тарихини сўзлаб беришган. Уларнинг айтишича, қишлоқ ўрни ва сойликлар қалин тўқайзор ва чангалзор бўлган. Чўчқа, бўри, қашқир, чия бўрилар изғиб юришган. Қадим йўлбарс ҳам бўлган дейишади. Нари-бери 200 йилдан буён бу қишлоқларда яна одам яшамоқда. Мен аср бошидан бери шу ерларни биламан. Даралар, далалар дарё бўйлари қалин чакалакзор бўлиб ётарди. Биз ёш болалар оралашга қўрқардик. 85 йил орасида жуда катта ўзгаришлар бўлиб кетди. Бобом, отамларнинг уқтиришича, ўзимнинг 90 йиллик умримда англашимча, кўҳна тарих худди мана шу мезонлар билан ўлчанади.

Кўҳна тарих...

Унинг излари беҳисоб.

Туғдона ўсимлиги баҳона битик топилганлиги, қишлоқ тарихидан ҳикоя қилиши, 480—500 йиллик тарих орасида не-не қирғинбаротлар бўлганлиги... Ҳа, тарих қатида ўтмиш садолари бор. Бироқ, англаш қийин. Қишлоқларда ўрганишга молик табиат обидалари, табиат асори-атиқалари жуда кўп.

Балки, Говхона қишлоғи гул водийга бурканар? Балки, одамлар ўз қишлоқлари тарихини англаб етишгач, қишлоқ номини яна тарихий номига буришиб — Гулхона деб ўзгартиришар, ўзлари эса қишлоқлари ҳусни-жамолини ана шу номга монанд равишда гуллаб-яшнатишга бел боғлашар?

Кўҳна тарих...

Унинг сирларини излайман.

Ўзимча, нималарнидир ҳал қилмоқчи бўламан... Лекин...

Жалол ЯХШИБОЕВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПАРИЖ. Саудия Арабистонига тафтиш мақсадида сафар қилган Франция мудофаа вазири Жан-Пьер Шевенман якшанба куни уни Хуфуфдаги ҳарбий ҳаво базасига кузатиб борган бир гуруҳ француз журналистларига «Қўшма Штатлар БМТ белгилаб қўйган доирадан чиқишини тасаввур қила олмайман», деб айтди. Журналистлардан бирининг Қўшма Штатлар Ироққа қарши ҳарбий ҳаракат қилиши мумкинми, деган саволига шундай жавоб бўлди. Франция Саудия Арабистонида БМТ қарорларини бажарилиши йўлида ҳаракат қилмоқда. Унинг қўшинлари француз қўмондонлиги қўл остида турибди, фақат «босқинчилик рўй берган тақдирдагина қўшинлар ана шу босқинчиликни зудлик билан назорат қилиш учун Саудия Арабистонига берилади», деб таъкидлади вазир.

● БЕРЛИН. Шарқий Олмония ҳудудида 38 йил муқаддам ўлкалар тугатиб юборилган эди. Қайтадан ташкил этилган ўлкаларнинг ландтагларининг (парламентлари)га ўтган якшанба куни бўлиб ўтган сайлов кўпчилик сайловчиларнинг христиан демократлар партиясига хайрихоҳлигини намойиш этди. Маълумки, шу йилнинг 18 мартида собиқ халқ палатасига ўтказилган сайлов ҳам шундай натижа билан тугаган эди. Христиан демократлар иттифоқининг бешта ўлкадан тўрттасида ғалаба қозонганлиги собиқ ОДЖ аҳолисининг кўпчилиги муайян сиёсатгагина афзаллик бериб қолмай, айни вақтда кучли моддий ҳокимиятга эга бўлган, Шарқий Олмония иқтисодиётини боши берк кўчадан олиб чиқишга қодир сиёсий кучни қўллаб-қувватлаганлиги билан ҳам изоҳланади. Ўлкаларнинг кўпчилигида ишчиларнинг аксарияти худди шу партия учун овоз берганлиги тасодифий эмас.

● БУДАПЕШТ. Бу ерда мамлакатда маҳаллий ўзини бошқариш идораларига якшанба куни бўлиб ўтган сайлов муносабати билан сиёсий партиялар вакилларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Эркин демократлар уюшмасининг раиси Янош Киш СИТА мухбири саволига жавоб қайтариб, шундай деди: Сайловда сайловчиларнинг фаоллиги паст бўлганлиги (умуман 40 фоизга яқин) ҳар ҳолда мамлакат аҳолисининг сиёсатдан, жумладан, ҳукумат фаолиятидан ҳафсаласи пир бўлганлиги билан изоҳланади. Сайлов қутилари олдига келган кишилар бундан бир неча ой илгари қилган ишларининг акси ўлароқ, бошқа партиялар учун овоз берганликлари фикримизнинг исботидир. Майда хўжаликлар мустақил партияси парламент фракциясининг раиси Йожеф Торгьян МТИ агентлигининг мухбири билан суҳбатда, жумладан, сайловнинг ҳар икки даврасида сайловчилар фаоллигининг ниҳоятда пастлиги аҳолининг мамлакат хўжалиги аҳволидан ва парламент партиялари фаолиятидан норози эканликларини билдиради, деди. Сайлов натижалари ҳукумат партиялари учун кутилганидек эмас, деб таъкидлади у.

● РИМ. Италия Компартиясидаги «озчилик» оқимларидан бири — «демократ коммунистлар» миллий мувофиқлаштирувчи қўмитаси Римда конференция чақирди. Бу анжуман Италия Компартиясининг XX съездига тайёргарлик ва съездолди мунозараси масалаларига, мамлакатда сўл кучларнинг янги сиёсий ташкилотини тузиш муаммоларига бағишланган ИКП ичидаги келишмовчиликларга бағишланганди. Пьетро Инграо бошчилигидаги шу оқимнинг вакиллари Италия Компартиясининг янги, лекин ноккоммунистик сиёсий ташкилотга айлантириш ғоясига нисбатан жуда қаттиқ танқидий фикр билдириш ниятидадирлар.

(СИТА).

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ АҲВОЛ

Қувайтнинг қаршилик кўрсатаётган жангчилари якшанба куни ҳарбий хизматчилар тушган Ироқ тайёрасини йўқ қилдилар, деб хабар қилди Исроил радиоси Қувайт манбаларига таяниб. Қувайт тайёрагоҳидан учиб чиққан тайёра ракета билан уриб туширилди ва у денгизга қулади. Ироқ маъмурлари бу хабарни рад этдилар.

Бағдод Қувайтдан ҳеч қачон кетмаслигини яна бир бор айтди. Ироқ ахборот ва маданият вазири Латиф Жасем бундай деди: «Қувайт Ироқнинг 19-вилояти ҳисобланади ва биз узоқ вақт уруш олиб боришимизга тўғри келса ҳам бу ҳолат ўзгармайди».

Ироқ террорчилик ҳаракатига ўзининг алоқадорлигини рад этди, бу ҳаракат натижасида Миср халқ мажлиси раиси Рифоат Махгуб, унинг бир неча шахсий соқчилари ва полициячилар ҳалок бўлган эди. ИНА хабарида таъкидланишича, Миср, шунга ўхшаш мишмишлар билан Ироққа қарши ҳужум тайёрлаётган кўп миллатли кучлардаги ўз иштирокини оқлашга уринмоқда. Ваҳоланки Мисрда шубҳа қилинаётган ўнлаб одамлар, асосан ироқликлар ва фаластинликлар қўлга олинган.

Саудия Арабистонида турган Франциянинг 16 та «Мираж» қирувчи тайёраси ёнига 4 тайёрадан иборат «Ягуар» қирувчи бомбардимончиларнинг биринчи гуруҳи келиши кутилмоқда. Шундан кейин яна шу типдаги 4 та тайёра келади.

Гондурас Форс кўрфази ноҳиясига 750 ҳарбий хизматчидан иборат таркибда армия батальонини юборишга қарор қилди, у кўп миллатли қуролли кучларга қўшилади.

«Вашингтон пост» рўзномасининг ёзишича, Америка қўшинлари ва уларнинг қурол-аслаҳаларини Саудия Арабистонида жойлаштириш мўлжалланганидан суст кетяпти ва октябрь ойининг охиригача ёки ноябрь ойининг бошигача тугалланмайди. «Қўшма Штатлар барча қурол-аслаҳаларни олиб бўлмагунларича, ҳужумни бошламайдилар», — деб таъкидлайди рўзнома. Рўзноманинг маълумотларига қараганда, АҚШ разведка тайёралари Ироқнинг сигналларини кузатишига ва бу ахборотдан ўз электрон уруш дастурларида фойдаланишларига халақит бериш учун Ироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа системаси локаторларини ўчириб қўйди. Бу тадбир, деб таъкидлайди «Вашингтон пост» рўзномаси, АҚШга Ироқнинг «Ер-ҳаво» классидаги ракеталарининг мўлжалга олиш системаларини зарарсизлантириш усулларини ишлаб чиқишга халақит беради.

(СИТА).

ЎТГАН КУНЛАР

йиллаб асоссиз қамоқларда сақландилар, кейинчалик эса оқландилар — ўша, тергов органларининг ўзи уларни озод қилди. Бу ҳақда ҳамма билади: Бухоро вилоят фирқа қўмитаси, Ўзбекистон ССЖ прокурори ва СССР бош прокурори. Бироқ прокурор Матюшовга нисбатан мавжуд қонунга мувофиқ ҳеч қандай жазо қўлланмаётир. Бунинг сири ҳақида шундай гаплар юради: гўё Матюшовнинг дахлсизлигига унинг Москва «элчиси» экани сабаб.

Г. Матюшовнинг қонунга хилоф ишлари ҳақида жумҳурият газеталари бир неча бор ёздилар. Жумладан, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Қонундаги адолат» (1989 йил 26 апрель) мақоласи босилиб чиқди. (Қонунга хилоф равишда қамалганларнинг рўйхати келтирилади).

Бундан ташқари вилоят прокуратураси фаолиятида жиноий ишларнинг йўқотилганлиги ҳоллари мавжуд... Прокурор Г. Матюшов ҳар бир қонунсиз ишларидан сўнг ажабланарли афсонавий чаққонлик билан жавобгарликдан қутулиб қолади. Гувоҳларнинг ҳикоя қилишича, у ўзининг СССР прокуратурасида кучли суянчиқлари борлиги билан мақтаниб юради.

Ахборот учун маълум қиламан: юқорида эслатиб ўтилган мақола («Қонундаги адолат») мазмуни ўзгаришсиз «Америка овози» радиостанцияси орқали (12 май. 3,55 минут Москва вақти билан) эшиттирилди.

Сиздан Бухоро вилоят прокурори Г. Матюшовнинг ноқонуний фаолияти хусусида СССР Бош прокурори ўртоқ Сухаревга депутатлик сўрови беришингизни сўраймиз».

Бунга жавобан Г. Матюшовни пахтага ўрагандек озорсиз Москвага ишга олишди. Ажабо! Биров бировни ҳақоратласа, жавобгар бўлади, биров бировга туҳмат қилса, жавобгар бўлади. Лекин кишилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бурчи юклатилган маъмурий орган ходимлари, Г. Матюшов юзлаб фуқароларни асоссиз оғир жиноят билан айбласа, қамаса, эл-юрт олдида обрўйини тўкиб шарманда қилса, нега қонун олдида жавоб бермас экан? Ёки қонуннинг биз англамайдиган сир-синоати бормикан?! Ўзбекистон ССЖ Жиноят Кодексининг 158-моддасида: «Била туриб қонунсиз қамаш — икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» — дейилади. Бухорода эса бирорта суриштирув, тергов ёки прокуратура органлари ходимлари қонунсиз қамашлар учун икки йил у ёқда турсин, икки кун ҳам жазолангани йўқ.

Биз қуйидаги жиноят ишлари (Болта Раҳматовнинг арзида номлари кўрсатилган ва бошқалар...) бўйича Бухоро вилоят прокуратурасининг тергов бўлимидан хулоса ёки маълумот сўрадик:

1. ЎзССЖ ЖКнинг 119^1 моддаси билан айбланиб, 23 ой қамоқда сақланган Камолов Раҳматулло.
2. ЎзССЖ ЖКнинг 152-моддаси 2-қисми билан айбланиб 15 ой қамоқда сақланган Бобоқулов Қаҳрамон.
3. ЎзССЖ ЖКнинг 152-моддаси 2-қисми билан айбланиб, 13 ой қамоқда сақланган Саломов Саттор.
4. ЎзССЖ ЖКнинг 152-моддаси 2-қисми билан айбланиб, қамоқда сақланган Жумаев Рашид.
5. ЎзССЖ ЖКнинг 149-, 169-моддаси 2-қисми билан судланиб, кейинчалик уларнинг жиноят ишлари ҳаракатдан ётқизилган Шарипов Тилав ва Содиқов Ислом.
6. ЎзССЖ ЖКнинг 1511-моддаси билан судланиб, кейинчалик оқланган Имомназаров Рустам.
7. Собиқ Бухоро ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимлари Жумаев ва Арабовнинг жиноят иши.

Юқорида қайд қилинган жиноят ишлари бўйича хулоса ёки маълумот тайёрлашда қуйидаги саволларга тўла, аниқ жавоб бўлиши лозим эди:

1. Қачон қамоққа олинган?
2. Ким қамоққа олган?
3. Ким айблаш фикрини тасдиқлаган?
4. Ким тергов ишларини олиб борган?
5. Ишнинг охирги натижаси?
6. Бу қонунсизликлар учун ким қандай жазо олган?

Ҳа, қоғозларда кўмилган қонунсизликни очиш осон эмас эди. Чунки қоғозлар гапирмасалар-да, уларнинг эгаси бор, қўриқчилари бор. Тергов бўлими (Й. Тожиддинов) хулоса тайёрлашдан бош тортмадию, лекин прокурорнинг топшириғини бажармади. Эртага, индинга деган ваъдалар билан Тошкентга қайтдик...

Ҳалқалар бирлашса, занжир ҳосил бўлади. Занжирнинг битта ҳалқаси бу — Й. Тожиддинов. Нечундир у мудом собиқ прокурор йўналиши билан иш тутади. Ўтган йили 28 февралда («Қишлоқ ҳақиқати») ғиждувонлик 10-синф ўқувчиси Насиба Ражабованинг хати эълон қилинди. Хатни айнан келтирамиз:

«Очиқ хат»ни ўқиб, укаларим, онам, қариндошларимиз — ҳамма хурсанд бўлди. Отамнинг ўлимига сабабчиларнинг номини эшитармиз деб суюндик. Йўқ, акси бўлиб чиқди. Онамни, мени бригада дала шийпонига чақириб, Й. Тожиддинов (вилоят прокуратураси тергов бўлимининг бошлиғи) сўроқ қилди: «Хатни ўзинг ёздингми ёки биров уйларингга келиб, алдаб ёздирдими! Эсла, агар тўғрисини айтсанг, сизларга ёрдам берамиз...» (Эътибор беринг, Й. Тожиддиновнинг сўроқ қилишга ҳаққи йўқ!) Наҳотки, мен 10-синф ўқувчиси — отамнинг ўлимига ёлғонни аралаштирсам!

Онам йиғлаб уйга қайтдилар. Бригада ҳисобчисидан ўша куни биз терган пахтанинг ҳисоб-китобини сўрашди. Укаларим билан 108 килограмм пахта терган эканмиз. Ҳайронман биз терган пахтани биров сўраб-суриштирадию, отам — Жўрақул Ражабовнинг фожеасини ҳеч ким сўрамайди..!

Отамнинг отаси — бобом бригадир Орзу Ражабовни ҳам 47 ёшларида куппа-кундузи йўл чеккасида ўлдириб кетишган эди. Бу воқеа билан ҳеч ким қизиқмади, унутишди. Ҳалигача жумбоқ... Наҳотки, отамнинг тақдири ҳам бобомникига ўхшаса! Ахир биз рўзномага ёзмасдан кимга ёзайлик!»

Ҳа, сингилжонларим, укаларим, бу нолангиз қарийб бир йилдан бери Бухоро устида чарх уради.

Бир сизнинг эмас (тасалли-да бу!) Ғиждувонда Р. Хўжақулов прокурор бўлиб ишлаган даврда 50 га яқин жиноий ишлар очилмади...

Бу гапларни ёзишдан нима фойда, дегувчилар топилади, албатта. Савобга ярамасак, уволдан қўрқмасак, қонунни назар-писанд этмасак, охир-оқибатда бу қилмишларнинг қайтиши бор-ку!

Г. Матюшов даврининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тубан далиллари мавжуд. Шулардан яна бири ҳақида: Шарипов Тилав, Содиқов Исломнинг 6923 рақамли жиноят иши (Б. Раҳматовнинг шикоятида далил сифатида эслатилган)нинг 3-томи вилоят прокуратурасида йўқолди. Гап шундаки, 3-том йўқотилмаса, Г. Матюшов ва унинг ҳомийларининг айби очилиб қоларди. Бу ишнинг тепасида турган Ш. Ўринов (бўлим бошлиғи) ҳайфсан билан қутулди. Бундай жиноят Ш. Ўринов томонидан бир эмас, икки марта такрорланди. Ҳайрон қоласан киши? Вилоят прокуратураси эшигидан ҳужжатсиз, сўроқсиз ичкарига қадам босиш мумкин эмасу, лекин қандай қилиб жиноий ишга дахлдор муҳим ҳужжат йўқолар экан? Яна айнан ўша 3-том?

Прокурор ҳузурига кираётиб, унинг қабулига келганларнинг суҳбатини тинглашга тўғри келди. Қишлоқдан уй-жой, томорқа можароси билан арзга келган отахонга шаҳарлик бир киши куюниб, алам билан англатмоқчи бўларди:

— Э, отахон, билмайсиз, ҳеч нимадан хабарингиз йўқ, Бухоро ёнаяпти, Бухоро эгасиз қолди, ким нимани хоҳласа ўшани қилади! Эшитинг, Скоп деган мелиса (милиция демоқчи)ларнинг каттаси бор эди. Данғиллама уйда турарди. У ҳозир Бухородан кетган, аммо уйни топширгиси келмади, итини қолдириб кетди. Бир мелиса болага амал ваъда қилган эканми, у ҳар эрта ва кечқурун Скопнинг итидан хабар олади, гўшт, сув беради.

— Йўг-э!

— Айтдим-ку, билмайсиз, ишонмайсиз... Сизга янги бир мисол айтайми, а? Ҳозир қабулига турганингиз, прокурор Алиев Тошкентдан келган, ўзбек. Олти ой бўлаяптики, у ҳамон меҳмонхонада яшайди. Бола-чақаси, аёли Тошкентда. Агар унинг ўрнида бошқа биров, яъниким, Матюшовга ўхшагани Россиядан келганида дарров коттеж беришарди. Ўша Матюшов деган бир ҳамшаҳаримизнинг уйини қонунсиз тортиб олиб, ўзи яшади. Бухородан кетди ҳамки, уйни топширмади, кекса онасини қолдириб кетди. Ёлғиз кампирга данғиллама уй!

Э, отахон, ёлғиз сиз куйганмисиз, дардим ичимда! Ўз юртингда бегонасан?!.

Тўғриси, суҳбатни охиригача тинглаёлмадик. Прокурор қабулидан воз кечдик. Бу гаплар рост бўлсин, ёлғон бўлсин, танида юраги бор инсонни ўйлатмай қўймайди. (Маълумотларни ўрганиш давомида бу гаплар рост бўлиб чиқди...) Эски шаҳар бўйлаб кетарканмиз, жамики мадраса-ю минораларнинг боши эгикдек туюлди.

Прокурор қабулидаги фуқароларнинг оғзаки норозиликлари жамланган ушбу далил ҳақида.

Бухоро шаҳар, Л. Толстой кўчаси 5-уйда яшовчи Хайрулло Фатхуллохўжаев СССР халқ депутатларига, вилоят прокурори А. Алиевга ва жумҳурият прокурори Усатовга мурожаат қилиб шундай ёзади:

«Ўн тўрт марта Иттифоқ, жумҳурият прокурорига ва бошқа жойларга ёздим...» Шикоятдан маълум бўлишича, у — Фатхуллохўжаев ўз қонуний квартирасидан ноҳақ кўчирилади. Бу ҳам етмагандек, уни ишдан бўшатишади. Ҳа, қонун Г. Матюшовнинг қўлида эди. Бўшатилган уйга кўчиб кирди, Бухородан кетди ҳамки, уйни қонуний эгаларига қайтаришни истамади. Ҳолбуки, Г. Матюшовнинг Қозонда, Москвада уйи борлигини Х. Фатхуллохўжаев куюниб ёзади. «Бундай раҳбарлар билан қандай қилиб давлат ҳуқуқлари томон йўл очиш мумкин!..» Бундай раҳбарлар билан давлат ҳуқуқлари томон йўл очиш эмас, очилган йўлни беркитиш мумкин. Ўша йиллар Г. Матюшов ҳар қандай кир ниятини маҳаллий раҳбарлар орқали битирди. Етти кишини уйидан кўчириш нима бўпти! Хайриятки у «Арк»ни ёки «Катта минора»ни бузинг, деб буйруқ бермади. Худо кўрсатмасин, Матюшов қизишиб шундай фармон берганидами, бутун бошли Бухорони бузишга шай раҳбар, раҳбарчалар топилар эди. Исботми, марҳамат: Бухоро шаҳар халқ назорати раиси С. Нодирхонов, вилоят фирқа комиссияси раиси М. Баракаев, имзосиз хатни текшириш баҳонасида Ф. Хўжаев ноҳия ижроия қўмитаси раиси А. Нарзиевга Фатхуллохўжаевлар оиласи 24 соат ичида кўчирилсин, деб кўрсатма беришди. Бир бегуноҳ оила прокурор санкциясисиз, суд қарорисиз кўчирилди, ишдан бўшатилди...»

Жумҳурият прокурорининг биринчи ўринбосари 3-класс давлат юстиция маслаҳатчиси Ю. Р. Раҳмонов (28.04.90 й.) вилоят прокурорига ёзма топшириқ йўллади. Фатхуллохўжаевнинг яшаш ва ишлаш ҳуқуқи тиклансин. Натижаси ҳақида жумҳурият прокуратурасига хабар берилсин.


Ўз қонуний уйига қайта кўчиш ҳақидаги хабарни Фатхуллохўжаевлар оиласи ҳамон сабрсизлик билан кутаяпти. Шу ўринда Ф. Хўжаев ноҳия ижроқўмининг собиқ раиси А. Нарзиевнинг жумҳурият прокурори (собиқ) Усатов номига ёзган «Тушунтириш хати»ни эслаш жоиз.

«Мени 1984 йил ноябрь ёки декабрда (аниқ эсимда йўқ) обкомнинг парткомиссияси раиси Баракаев ҳузурига чақирди ва Фатхуллохўжаев Хайруллонинг бола-чақаси билан 24 соат ичида коттеждан чиқариб, ордерни олиш ҳақида кўрсатма берди. Автозавод кўчаси 6—1 коттежида яшовчи Фатхуллохўжаевни чиқариб, уйни бўшатишни сўрадим ва бу вилоят парткомиссиясининг кўрсатмаси эканини айтдим...»

Бир қонунсизлик кетидан иккинчиси, учинчиси... Ахир бу қонунсизликлар жабрини қоғозлар, аризалар, тушунтириш хатлари эмас, халқ, биз қалам аҳли номини катта ҳарфларда ёзадиган ХАЛҚ тортди-ку?! Кўра била туриб томошабин бўлиш ўйламай-нетмай ҳар қандай кўрсатмани бажариш... тушунмаймиз, жумҳурият бўйлаб умумий хавфга айланган бу иллатдан қачон қутуламиз? Айтиш мумкинки, Г. Матюшов Бухородан орден олишга улгурмади, холос! Бошқа ҳамма истаги бажарилди. Хайрлашув чоғидаги (пойтахтга кузатув) раҳматномалар, ўзбек дўпписи, белбоғ, чопон... булар ҳаммаси унинг беш йил ичида кўрсатган кароматлари эвазига Бухородан ҳадя-тортиқ — миннатдорчилик рамзи эди.

Ҳимматингга балли, Бухоро! Яна бағрингга кимларни чорламоқчисан?

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Ошкоралик» қўмитаси аъзоси,
Ражаббой Ота ТУРК, ёзувчи.



Шимолий Берлиндаги ҳайвонот боғида ишловчиларга ҳам осон эмас. Бу ерда сақланаётган турли хил ҳайвонлар, қушлар, судралиб юрувчиларнинг ташвиши етиб ортади. Айниқса, сиз кўриб турган суратдаги тимсоҳларнинг феълига ҳеч тушуниб бўлмайди. Улар фақат қуёшли кунларда исиниш ёки тухум қўйиш учунгина қирғоққа чиқадилар.

АДН — СИТА сурати.

ЯНГИ НЕФТЬ КОНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (СИТА). Саудия Арабистонининг аввал текширилмаган ноҳияларида юқори сифатли нефтнинг янги бой конлари очилди, деб хабар қилди бугун «Вашингтон пост» рўзномаси.

Саудия Арабистонидаги «Арамко» нефть компанияси раҳбарларидан бири Носир Ажмининг айтишича, компания коммуникациялар ва нефть қувурларидан узоқлиги туфайли кўп вақтдан буён текширилмаган мамлакатнинг ўзлаштирилмаган жануби-шарқий қисмида бурғилаш ишларини муваффақиятли амалга оширди.

Кондаги нефтнинг умумий миқдори ҳали аниқланмаган. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, бу ерларда нефть шунчалик кўпки, улар нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига аъзо бўлган айрим мамлакатларнинг нефть запасларидан ошиб кетади ва чамаси Саудия Арабистонида бу хом ашёни қазиб олишни кам деганда 20 фоиз ошириши мумкин.

«Афтидан саудиялик расмий шахслар,— деб таъкидлайди «Вашингтон пост» рўзномаси,— худди шу кунларда, Форс кўрфазидаги танглик кучайган пайтда минтақада нефтнинг катта запаслари мавжудлиги ҳақида ташвишга тушган жаҳон бозорига маълум қилиш учун янги конлар ҳақида гапиришга тайёрдирлар».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БАРАКАЛЛА, АЛЛЕН!

● Парижлик профессор Аллен Карпантье Францияда биринчи марта ва бирданига инсон танасидаги учта органни операция йўли билан алмаштирди. У нафас қисишидан, тўқима ва аъзоларда модда алмашинувининг бузилишидан қаттиқ азоб чекаётган 16 ёшли қизчага 3 соат аввал автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлган донорнинг юраги, ўпкаси ва буйрагини ўрнатди.

АФП агентлигининг хабарига кўра, қизча бир ярим ойдан сўнг соғлиғи аъло тикланган ҳолда касалхонадан чиқарилган.

СУД ИШЛАРИ БЎЙИЧА «РАЦИОНАЛИЗАТОР»

● АМЕРИКАНИНГ Невада штатида яшовчи судья Жон Фитиджеральд Гленн суд ишлари бўйича «рационализатор» ҳисобланади. У ўз иш столи устида ажралиш юзасидан ёзилган аризалар бир неча юзтага етишини кутади. Сўнг ажрашмоқчи бўлган барча эр-хотинларни бир вақтда судга чақиради ва суд биноси айвонида жуфт-жуфти билан қатор турғазиб қўяди-да, бақириб сўрайди: ҳаммангиз ажралишга розимисиз? Шунда ҳамма хор бўлиб «ҳа» деса, шу заҳоти барчанинг талаби қондирилади.

ДЭНИЭЛНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

● НЬЮ-ЙОРКДА Дэниэл Эйван Вайсснинг «Ҳақиқий америкалик», деб номланган китоби нашр этилди. Муаллиф бу китобида америкаликлар ҳаётига оид қизиқарли маълумотларни келтиради.

Унда ёзилишича, АҚШ фуқаросининг 59 фоиз эркак ва аёли ўз нормасидан оғир, 35 фоиз америкалик алкоголли ичимликларни умуман истеъмол қилмайди, ҳатто пивони ҳам, 50 фоизи умуман китоб ўқимайди, 46 фоизи охиратдаги ҳаётга ишонади, 26 фоиз киши энг камбағал одам — дангаса одам деб ҳисобланади, 78 фоиз америкалик ўзининг моддий аҳволидан мамнун ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

ЭРК, МУҲАББАТ ВА ҒУССА

«Томчида қуёш акс этади»! Жумла томчининг ўзидан ҳам кичкина. Лекин унда бир олам қувонч ва катта Қуёш бор. Заррадек сув қатраси қуёшдай катта ҳақиқатни кўрсатиш иқтидорини тан оламиз ва бундан чин дилдан шодланамиз. Шундай пайтда ёш шоирларга менинг юрагим ачишади: «Ёш шоир ҳали қуёшни кўрсата олмайди», деб ҳисобланади, уларнинг ютуғи ҳақидаги тугмадек яхши гап ҳам нинанинг кўзидан ўтказилиб, лағмондек чўзиб, товуқ чўқилаган тарвуздек чакичлаб берилади. Оқибатда ўзбек адабиётини таназзулдан олиб чиқишига уринаётган ягона оқим — ёшлар поэзияси ҳақида биз ҳеч нарса билмаймиз. Илғаганларимизни ҳам ёзишдан қўрқамиз: на ёзувчи, на танқидчи бўлолмаган корчалонлар барибир ўчириб ташлайди. Шукур Содиқнинг «Ёрилтош» шеърлар тўплами жумҳурият комсомол мукофотига тавсия этилганидан қувониб, шу томчида акс этган қуёшни кўрсатмоқчи бўламан-у, аммо фикрларим ўз-ўзидан таҳрир бўлиб, цензурабоп бўлиб қоғозга тушади. З. Фрейд кашфи билан айтганда, бу қўчқорлар ахта бўлиб туғилади. Чоп этилаётган бошқа тақризларда ҳам шу психологик қайчи излари равшан сезилади ва XX аср кўзимга Қайчи Асри бўлиб кўринади. Начора, «Тақдир экан, қайдан билибмиз!»

Аввало, бош масала — Шукур Содиқ шоирми ёки шеърий тарғиботчи?

Исён эдим, сукунатга айландим,
Ер ғамзали сочларингга бойландим.
Бу дунёда шўрим кўп деб зорланма,
Шўр пешонанг ўзим бўлиб сайландим.

Шеър — бу техниками? Ана, бир бандда иккита ёрқин ва теша тегмаган тазод: исён — сукунат, ғамзали соч (сайёд) — бойландим (сайд); санъат бу туйғу тасвири бўлса, шу мисралар кўп ўзбек қизларини чирқиратиб йиғлатиши тайин: севги ва шеърдан паноҳ излаган бахтиқаролар жуда кўп, уларнинг шўрини ювадиган Амударё қуриган, Орол эса — намакоб; эчкининг жунидай чувалган асрнинг хусусияти мураккаблик дейилса — бу туйғу қувончми? Кулфатми? Йўқ ва йўқ: бир пайтнинг ўзида ҳар иккиси ва яна нимадир. Чин шоиргина қувонч ва ғуссадан тўқилган илон-арқон суратини яйраб тасвирлай олади. Зеро, уни ҳаёт деб аташ учун жуда катта кучга эга бўлмоқ даркор.

«Ёрилтош»ни ёрганимизда унинг ичидан уч ўспирин чиқиб келади. Булар — Эрк, Муҳаббат ва Ғусса. Барча шеърларда шу уч оға-ини баъзан кулишиб-ўйнашиб, кўпинча эса эзгин, умидсиз йиғлашиб турганини кўрамиз ва улар эртакдаги Оймома ва унинг шўрлик укасининг XX асрдаги дарддошлари эканини пайқаймиз, шеърий тўплам қадимги эртакнинг минг йилдан кейин ёзилган давоми, мозаик шаклли бўлиб туюлади.

Не-не алломаларнинг тафаккурини борса келмасга жўнатган шум Эрк бугун барча ўзбек ёшларининг орзуси, ўйлаган ўйи, армони. Эрк ҳақидаги дарё-дарё таълимотлардан четда кўрсавод ҳолда тутиб келинган адабиётимиз муаммолар ўрмонига пайпаслаб кириб бормоқда. Ш. Содиқ шеърларида эркнинг икки хил талқини ғира-шира фарқланиб, уч бермоқда.

Сўниш дема руҳимнинг бу карахтлигини,
Бўрон олди сукунатдир бу дам имконим.

Эрксизлик шоирни курашга ундамоқда. Шоир ўз эркини ташқаридан — одамлардан, жамиятдан изламоқда. Бироқ бошқа кўплаб шеърларида унинг қони ва урфидаги сўфизм материалистик таълимотдан устун келади: шоир эркни ўз ичидан, табиатнинг ички қонунларидан, ҳаёт ва ўлим баҳсидан — талаш ҳудудлардан қидиради. «Прометей севгиси» — ўлган, демак, абадий севги (эрк); «Файзулла Хўжаев ёди» — абадий эркка кўчган одам; «Номаълум қабрдаги ёзув» — саргардон нола (эрк); «Тунда айтилган қўшиқ» — «ёруғликдан айрилган, эрксиз қўшиқ» «Ёрилтош эртагига сўнгги сўз», «Қодирийнинг сўнгги сурати», «Мир-темирнинг сўнгги сўзи», «Шоир Амирқул Пўлкан хотирасига» — бу шеърлар-эркнинг поёни, эрк ва жилов жангида мағлуб бўлганлар марсияси. Уларда жамият ва шахс ўртасидаги абадий зиддият ва бешафқат кураш, одамларнинг аянчли аҳволи тасвирланган. Бироқ бу силсила бизни табиатнинг жиноят қонунлари билан танишиш сари етаклайди.

Тўплам «Ёрилтош» деб қадимги эртак номи билан аталгани бежиз эмас: ўша маъюс эртакда шоир бугунги ҳаётнинг суратини кўради.

Тош — ичинг тўла дард,
Сир бермай тош бўлиб қолгансан.
Ўз ғамингдан ўзинг каттариб,
Оқбошли тоғ бўлиб олгансан.
Тош — юрагинг пахтадай юмшоқ,
Кўксингни ёрибди томир — майсаси.
Худди сенга ўхшаб дунёга келган
Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир мисраси.

Истеъдод белгиси — тасаввур парвозига қаранг: Алишер Навоий ва Тош ўртасида ўхшашлик кўряпти, доҳиёна шеърларни тошнинг юрак томирларига менгзамоқда. Шу ташбеҳ кимёси билан тош даҳо шоирга айланмоқда. Бу ғалати гап — ҳақиқат.

«Тош — ичинг тўла дард», «Тош — юрагинг пахтадай юмшоқ» — дўстлар, ахир бу Тош кўнгилчан ва дардкаш «Ўзбеклар иши» қатағони, Тошлоқ, Қўқон, Бўка, Паркент, Ўш, Ўзган, «Политотдел», армиядаги қиронлар, бутифос офати, Оролнинг ўлими, ўттиз сўмлик маош — бу ҳақорат ва азобларга фақат тилсиз Тошгина дош бериши мумкин, фақат тошгина миқ этмай ёта олади. Дардини ичига ютишда ўзбекдан ўтадиган халқ йўқ. Унинг қалби — эрк ва орзулари кўмиладиган ўра. «Мен-ку ўз дардимни шеърга айтаман», «Каъба асли ҳар кимнинг ўз халқи экан», «Остин-устун бўлган дунё ичимдир» — бу мисраларни фақат ўзбекнинг шоиригина ёзиши мумкин.

Инсон руҳияти, жамият ва табиатда ҳаётбахш кучлар кўп, ҳар қандай оғир шароитда ҳам улар инсонга мададкор, унинг турмушига ранг беради, қизиқарли қилади. Ш. Содиқ шеърларининг фазилатларидан бири шоирнинг ўзига хос характери уларда акс этганидир. Айтиш мумкин, у — шўх-шум. «Ёрилтош» тўпламининг биринчи мисрасидаёқ шу ранг ярқ этиб кўринади:

Шамол дутор қилиб чалар теракни.

Тўртликнинг охирги банди эса — «Тушларимда энди қизлар қўймайди». Шоир сал пардалаган, холос; йигитнинг тушига кирган қизлар даврасидаги терак — бу йигитлик тераги, уни чалган шамол эса — ўн саккиз ёшдир. Шеърдаги рамзиятлар осон англанади, бу кашфиётдан ҳар бир йигит-қиз ўзича, яширинча ҳиринглаб мириқади, чунки уни ва бу мисрани беҳаёлик, беадабликда айблашлари мумкин. Чунки таназзул йилларида одоб-ахлоқ нормалари ҳам биология қонунларига қарама-қарши қўйилган, бу эса инсон табиатини ўрганишимизга ва у ҳақдаги билимларимизни китобхонларга эркин баён этишимизга тўсқинлик қилмоқда. Шундай вазиятда ҳаётий манзарани чизиш учун Ш. Содиқ рамзиятга мурожаат этиб, шумлик йўлидан борган.

Унинг шумлиги баъзи шеърларида киноя билан йўғрилган.

Пичан ҳидидан маст бўлган биянинг
Бахти каби бекам бу умр ўтар.
Ўзимни Алпомиш сезиб қарайман,
Эгар урилмаган Ғиркўклар кутар.

Алпомиш, Ғиркўк — баҳодирлик образлари қаторида бия нима қилиб турибди? Пичан ҳидидан маст биянинг бахтига қиёсланган инсон умрининг бекамлигини қандай тушуниш керак? Албатта, бу — аччиқ истеҳзо. Тўртлик абсурд усулида тузилган. Бироқ абсурд англаган мақсад дея олмаймиз, чунки у шу ерда йилт этиб тугайди, давом этмайди, ижодий методга айланмаган. Абсурд (бебошвоқлик, тескарилик) шоирнинг табиатида, тафаккур тарзида бор. «Онгсизлик» ва «онголди» (З. Фрейд) қатламларидан беихтиёр равишда, юлдуз учгандек ёриб кирган «радиограмма»ларни бошқа шоирлар сувоқлаб, онг мантиқига мослаб — йўқ қилиб юборсалар, Ш. Содиқ уларни мумкин қадар сақлашга, аслидай беришга интилади. «Шеърий маданият» деб сайқал бериш (сувоқчилик)ни тушунадиган назм мухлислари уни маданиятсизликда айблашлари мумкин. Бироқ ҳамма нарса қайта қурилаётган, «қолиплар», удумлар синдирилаётган ҳозирги пайтда бу эътирозлар майда, минғир бўлиб қолаверади.

Ундан ташқари, Ўзбекистон каби унинг адабиёти ҳам тарихнинг узоқ ва оқбош тоғларидан бошланадиган иккита катта дарёдан сув ичади. Бири — ёзма классик (шаҳар) адабиёти, иккинчиси — оғзаки йўсиндаги профессионал (қишлоқ) адабиёти. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, Тошкент вилоятининг қишлоқларидаги қарийб ўн миллионга яқин аҳоли классик поэзиядаги арабизм ва форсизмларни ёқтирмайди, ҳазм қилолмайди, бу қатламдаги ёш истеъдодлар шеър ёзишни халқ терма ва достонларидан ўрганади. Классик ва совет адабиётидаги «одоб» номли беозорлик, мусичаликдан кўра, халқ достонларидаги беор шўхлик ва чапанилик манзаралари реалроқ ва ёқимлироқ кўринади ва шу мактаб уларни ўз оғушига тортади. Табиат бағридан чиққан барча шоирлар қатори Ш. Содиқ шеърларида ҳам халқ адабиётининг руҳи ва услуби бор. Бу — ўзига хослик, уни тан олиш керак. Айб қилишдан бурун тушунишга уриниб кўрадиган вақт етди.

Шу билан бирга, «Ёрилтош»да фикрларнинг қуруқ баёнидан иборат бўлиб қолган публицистик қофияламалар ҳам кириб қолган. Китоб ҳақида илиқ фикрлар айтган М. Мамажоновнинг танқидий фикрлари ва келтирган мисоллари ўринли. Яхши шеърлар орасига заиф машқлар ҳам кириб қолиши нашриётлар ишида жуда кўп учрайди ва бу қандай содир бўлиши, унинг сири ва маккорлиги бизга қоронғи.

Ўзбек адабиёти ҳозир оғир таназзулда экани, уни ботқоқдан тортиб чиқариш муаммолари ҳақида оғир ўйларга толарканмиз, шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Қаламкашлар икки тоифага бўлиниши азалдан маълум. Биринчи тоифа — кашшоф шоирлар. Уларни табиатшунос дейиш лозим: бу тоифа инсон табиатида, қалб қаърида қидирув ишларини олиб боришади ва ўша ерда одамови бўлиб яшайдилар. Кашфиёт — уларнинг ягона қувончи ва орзуси. Санъат юксак чўққидан китобхонлар даражасига — қуйига тушишига, жўнланишига чин шоирлар асло рози бўлолмайдилар. Бу тоифа санъатга хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ қаламкашлар эса уларнинг изидан бориб, топилган «маъдан»ларни қайта ишлаб, ҳар хил «руда»лардан тозалаб, ярқиратиб китобхонлар оммасига етказадилар. Улар ҳеч нарса кашф этишмайди, аммо кашфиётга ҳаёт бағишлайдилар. Улар шеърий тарғиботчилардир. Оммабоп адабиёт, оммабоп шеър ижодкорлари. Китобхонни шу гуруҳ тарбиялайди ва халққа хизмат қилади. Уларни адабиётнинг хизмат кўрсатувчи гуруҳи дейиш мумкин.

Бу икки қатламнинг қай бири давлатнинг рағбатига кўпроқ муҳтож?

Шу вақтгача Ҳамза номидаги жумҳурият ва Ўзбекистон Ленин Комсомоли мукофотлари назаримда фақат китобхонлар оммаси орасида шуҳрат қозонган, — улардан ўзолмаган асарларгагина бериб келинди. Санъат хизматкорлари — изланувчилар эса назардан четда қолди, ҳатто танқид таёғи билан калтаклаб турилди. Калтакни етим, ҳолвани ҳоким еб келди. Бу адолатдан эмас, албатта. Шу боис Шукур Содиқнинг «Ёрилтош» китоби Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига лозим топилса, бу ҳозирги ёшлар шеъриятига берилган муносиб баҳо бўлади деб ўйлайман.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар



Обиджоннинг қизиқчи бўлиб эл оғзига тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Илк бор ойнаи жаҳонда «ҳасадчи» бўлиб кўринганда, тўғриси одамларга кўп ёқмаганди. Шу-шу бўлдию, Обиджон тез-тез ойнаи жаҳонда кўринадиган бўлиб қолди. Қизиқ-қизиқ ҳангомалар, латифалар айтиб тўйларни қизита бошлади. Таниқли актёрларимиз Сойиб Хўжаев, Ғани Аъзамов овозларини қойилмақом қилиб тақлид қилишни «ўрганди».

Тинмай изланишлар натижасида Мирза Холметов билан яқиндан танишди. Тез орада уларнинг сафига яна уч киши — Тўхтамурод Азизов, Ботир Муҳаммадхўжаев ва Собит Асомовлар қўшилишди. Бешовлон биргалашиб Акмал Икромов ноҳиясининг Абдулла Қодирий номли маданият уйи қошида «Кўзгу» ҳажвий гуруҳини ташкил қилишди. Гуруҳнинг ижодий изланишлари мухлислар эътиборидан четда қолмади. Улар иштирокида кулги кечалари, турли учрашувлар уюштирила бошланди.

1989 йил илк бор жумҳурият ёш қизиқчиларининг беллашуви Обидни «Обид қизиқчи» қилиб халққа танитди. Шундан сўнг учрашувлар, концертлар унингсиз ўтмайдиган бўлди. Халқлар Дўстлиги саройида ёш хонандалар Юлдуз Усмонова, Ғиёс Бойтоевлар билан концертларда иштирок этди.

ОБИД ҚИЗИҚЧИ

Жумҳурият овознигори «Табассум» ҳажв ҳафталиги муҳаррири Меҳмонқул Исломқулов Обидни бир неча бор синаб кўрди. Аввал кичик-кичик ҳангомаларни ўқишга беришди. Унинг ўз устида тиришиб ишлаганини кўрган ҳафталик ходимлари тез орада ўз сафларига олишди. Эндиликда «Табассум» Обиджонга ҳажв мактаби — маҳорат мактаби бўлиб қолди.

— Авваллари мен кўпроқ рус ҳажвчиларига тақлид қилардим, — деди Обиджон. — Энди бўлса кулгуни кўпроқ теварак атрофимизда содир бўлаётган воқеалардан қидираман. Машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев оддий нарсадан ҳам катта кулги чиқариш ҳадисини олган қизиқчилардан. Бир куни кўчада кетаётсам бир қиз ҳадеб дугонасини чақираяпти.

— Шаҳноз, Шаҳноз, тез чоп. Нега имиллайсан, тез кел, ҳозир кетиб қолади. Ман санга тирик Обидни кўрсатаман, — дея бақираяпти, — деди кулиб Обиджон. — Мана сизга ҳаётий кулги.





— Ўтган йили ойномаларнинг бирида мақоламни беришипти, — дея бош чайқаб ҳикоя қила бошлади Обиджон. — Мақола сўнггида «бир қиз, бир ўғилни тарбиялаяпмиз турмуш ўртоғим Дилфузахон билан» депман. Ёпирай, ҳали туғилмаган чақалоқнинг ўғил-қизлигини қаёқдан билдийкин, деб ҳайрон қолдим. Ўзимча хурсанд бўлиб юрдим. «Илоё айтгани келсин» деб. Йўқ, яна қизлик бўлдик.

— Ўшандан бери мухбирлар билан гаплашишга қўрқаман, — кулади Обиджон.

Тиниб-тинчимаган Обиджон айни кунларда киночилар эътиборига тушиб қолди. Режиссёр Юрий Бзаровнинг «Кулол ва кўза», «Бу нима бу?» мусиқали фильмларида, ўзбек ва ҳинд режиссёрлари Л. Файзиев ва У. Меҳраларнинг «Овчи» фильмларида суратга тушмоқда. Яқин кунларда «Бу нима бу?» мусиқали фильми томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Суҳбатимиз охирида Обиджондан рўзномамиз ҳақидаги фикрини сўрадик.

— «Ёш ленинчи»нинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Ҳар йили унга обуна бўламан. Сафарга кетсам, Дилфузахонга тайинлаб кетаман. Ҳамма сонларини йиғиб қўяди. 1991 йилга энг кўп обунани ташкил этган учта хўжаликда «Ёш ленинчи» байрамини ўтказишни ёзибсизлар. Омон бўлсак, шу байрамларнинг бирида қатнашиш ниятим бор.

«Ёш ленинчи» фақат ёшларники эмас, уни ҳамма ўқийди. Шунинг учун халқимизни қизиқтирган воқеалар ҳақида дадиллик билан мақолалар берилишини кутамиз.

Обиджоннинг номзодлар рўйхатига киритилишини кулгисевар халқимиз илиқ кутиб олишди. Жумҳуриятимизда уни танимаган, билмаган одам қолмади. Шундай муносиб номзодни албатта тақдирласа арзийди.

Жўра БОБОРАҲМАТ,
Суратларни муаллиф олган.

«Обуна—91» «Обуна—91»



«САОДАТ»НИНГ УМИДЛАРИ

Халқимиз Октябрь Инқилобига қадар деярли бутунлай саводсиз эди, дейишса ишонлик. Айниқса, мусулмон аёллари маърифат нималигини билмаган, эрга муте эди, фақат инқилоб, ундан кейинги ривожланишлар уларнинг кўзини очди, деган хулоса ҳам ҳамон яшаяпти.

Бизни оддийгина мисол билан яъни ўзбек хотин-қизларининг инқилобдан аввалги ва бугунги ҳаётини қиёслаб ром қилишади. Бу орада фарқ катта. Аммо орадан ўтган вақт ҳам катта. Инсон хоҳ инқилобчи бўлсин, хоҳ тавба-тазаррули фуқаро, вақт унинг ҳаётида ижобий ўзгаришни яъни тараққиётни юзага келтиради. Шунга кўра, инқилобсиз, қонли жангларсиз, ўз олдига коммунизмни эмас, яхши яшашни мақсад қилиб қўйганлар ҳам ривожланаяпти, ҳатто биздан ўзиб ҳам кетишди.

Ана кўриб турибсиз, сермутолаа, андишанинг отини қўрқоқ атамайдиган бўлиб қолибмиз. Шундай давр келибди. Билсангиз, бу давр «Давринг келди, ўйнаб қол» даври эмас. У шунчалик мураккабки, бугун тўғри йўлни танламаган бўлсанг, эртага фожиа. Яна шунинг учун ҳам мураккабки, тўғри йўлни танладингми йўқми, — бу ҳам ўзингга ноаниқ. Демак, ё порлоқ келажак, ё...

Ана шундай давр келди. Ким нима қилаяпти бу даврнинг ниҳояси порлоқ келажак бўлиб чиқиши учун? Ўзбек хотин-қизлари ҳаётига бевосита тааллуқли нашр «Саодат» ойномасичи? Ёки нима қилмоқчи эди?

Ойнома 60 йилча даврдан буён яшаб келаяпти ва яна кўп вақт ўз муштарийси ардоғида бўлишига ишончимиз бор. Ҳозиргача, унинг нусхаси жумҳурият нашрлари ичида энг кўп — 1 миллион 200 мингга яқин.

Таҳририят, ижодий ходимлар яна кўп савоб ишларни, жумладан унинг муштарийлари сонини янада оширишни кўнгилга тугишганди. Лекин айни шу дамда «Саодат»нинг баҳоси бошқа нашрлар сингари 1,5 ёки 2 эмас, 2,8 баравар ошди. Буни айни пайтда тушуниш ҳам, тушунмаслик ҳам мумкин. Тушуниш бу... Қоғоз нархи анчагина ошди, алоқа хизмати кўпроқ ҳақ талаб қилаяпти. «Саодат» эса сифатли қоғозда босилади ва бошқа нашрларга нисбатан кўпроқ рангли саҳифалари бор. Қолаверса, бир пайтлар рўзнома-ойноманинг аҳоли ўртасида ўрни ҳозиргидек эмас эди. Ҳатто обуна учун зўрма-зўраки тарғибот ҳам қилинарди. Бугун эса одамлар рўзнома-ойнома ўқишни эҳтиёж даражасига кўтаришди. Савдо «тили» билан айтганда ойнома «харидоргир маҳсулот»га айланди. Унинг нархини кўтариш мумкин ва бу мамлакат иқтисодиётида қийналиб қолган бир пайтда фойдадан холи бўлмаган ишга айланди.

Тушуниш бу — шуларни ҳис қилишдир. Тушунмаганлик боиси эса... Халқимиз Иттифоқимизда энг кам даромадли ва камбағаллари кўп халқлардан бири бўлиб қолди. Ўзбек хотин-қизлари эса ўша камбағал элнинг янада камбағал қисми. Бу ҳолат инобатга олинмади. Ҳеч бўлмаса, муштарийларимизнинг асосий меҳнат масканини пахтазордан келадиган даромад ошгунча қаноат қилинмади. Бу билан кўплаб, нафақахўр онахонларни, ой сайин 30—40 сўм маош олаётган далачи қиз-жувонларни, уйда бола боқиб, эрининг чўнтагига қўл тиққани қўрқадиган (қўрққани шундаки, қўлига рангдор, суратли пуллар эмас, сариқ чақалар илашиб чиқади) оналарни жумҳуриятда ўзи учун ягона нашрни ўқишдан маҳрум қилиш эҳтимоли юзага келди.

Маҳрум бўлиш, яна ўз севган нашрингдан (шу пайтгача унга обуна бўлиб келганми, демак, севади-да). Бусиз ҳам ўзбек аёлининг йўқотганлари кўп эди. Ўз миллий қиёфасини, қадр-қимматини, тилини қайтиб олиш учун кураши осон кечаётганмиди? Албатта энди бу борадаги масалани — «Саодат»ни ойма-ой ўқишдан маҳрум бўлиш-бўлмасликни муштарийларнинг ўзи ҳал қилади. Лекин шу ўринда бир мулоҳаза: азиз муштарий, мамлакатимиз бўйлаб бозор иқтисодиётига ўтиш кўзда тутилган экан, ҳар бир харидингизнинг баҳоси ошади. Фараз қилинг, Сиз кунда ҳеч бўлмаганда озиқ-овқат маҳсулотлари учун аввалгидан камида икки марта кўп пул сарфлайсиз. Яъни олдинги 5 сўмлик харидингиз ўрнига 10 ёки 15 сўм... Ҳа, фараз қилинг, бу ҳол ҳар куни такрорланади. Лекин «Саодат»ни ойма-ой олиб туриш учун бир йилда бир марта олдингидан ортиқча — 3 сўм ўрнига 8 сўм 40 тийин сарфлайсиз. Ўйлаймизки, бу пул фарқидан кўра муштарийнинг ўз севган нашридан бебаҳра қолиши каттароқ йўқотишдир.

«Саодат»нинг бунгача бўлган саҳифаларидан муштарийнинг қониқиш олган ёки аксинчалигини биз улар сонининг ошиб боришидан ҳис қилар эдик. Бундан кейин унинг саҳифалари янада бошқачароқ, том маънода яхшироқ бўлиши керакдир. Ҳар ҳолда буни жарида баҳоси ҳам тақозо этади.

Эътибор бергандирсиз, саҳифаларда халқ қадимий қадриятларини тиклашга уриндик. Бу билан муштарийга — йиғлаётган боласини овута олмаётган ёш онага алла сўзини, келин олса уни қандай кутиб олишни билмаган бўлажак қайнонага, келинликда нима қилишни ич-ичидан ўйлаб юрган бўлажак келинга йўл-йўриқ, сир эмас, сўнгги манзилга кимнидир кузатиб йиғлолмаётганга қандай йиғлашни эслатдик. Яна бир нарса сизни ё қувонтирган ё ранжитган: биз яқин йиллардан бошлаб жаридамиз саҳифаларида эркакларнинг ҳам юз кўрсатишига имкон яратдик. Сиз нима дейсиз-сиз-у, лекин биз бунинг нимаси ёмон дердик. Атрофингизга бир қаранг, ойлангизда, кўрганингизда, кўча-кўйда сизнинг ҳаётингизга қанчадан-қанча эркаклар аралашади. Уларнинг аралашувисиз ҳам ўзингизни тасаввур қила олмайсиз. Нега энди улар сизга ўз фикрини («Эркаклар саҳифаси»), мулоҳаза, истак ва қарашларини («Қутлуғ ташриф») ифода этмаслиги, сизга атаганини («Бизга аталган кун») туҳфа этмаслиги керак. Афсонавий-тарихий қаҳрамон аёллар ҳақида ўқиганларингиз, ўзбек хотин-қизи оиласи, меҳнати ҳақидаги муаммоли мақолалар сизда қандай хулоса пайдо қилди? Хуллас, шу кабилар саҳифаларда яна юз кўрсатиб туради. Биз Ислом ва унинг мусулмон аёллари ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳам, талайгина мақолалар эълон қилдик. Буни маъқуллаганлар ва номақбул деб билганлар бўлди. Биз ҳар икки хил фикрловчини ҳам тинглашга ҳозирмиз. Ҳатто икки жойда икки хил фикрловчиларни ҳам. (Жумҳуриятимиздаги бир вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси менга бир кичик китобни кўрсатиб, унда Қуръони Каримнинг суралари битилганлигини айтди. Уни ўқий билмаганлигидан афсусланди. Москвадаги шу суҳбатдан сўнгроқ шу ердаги катта йиғинда «Саодат»ни, «Ислом ва аёл» мақоласини эълон қилганликда, одамларни диний ақидалар билан тарбияланаётганликда айблади).

Демак, саҳифаларимизда фикрлар эркинлигига кенг эътибор берилади. Муштарий энг янги бадиий асарлардан намуналар, парчалар ўқиб боради, маслаҳатлар олади.

Ҳали айтдик, ўзбек аёлининг ўтмиши қандай эди, бугуни қандай? Нима топди-ю, нима йўқотди. Аччиқ бўлса-да топгани билан бир қаторда йўқотгани ҳақида ҳам сўз юритамиз. Ўзбек аёли нимадан энг кўп азият чекаяпти? Меҳнат, яшаш тарзи машаққатиданми, бераҳм раҳбар, эр жафосиданми? Ҳа, дердик, агар оналар қалбида фарзанд доғи бўлмаганда. Йигитлар ҳарбийдан тобут ичра жасадми, хокми — сўроқ бўлиб қайтмаётган бўлса. Бу ҳол тез кунларда барҳам топишига ишончни ким беради? Ҳукуматимиз, Мудофаа вазирими? Майли эди, ҳеч бўлмаса кимдир барҳам топади, дея ваъда бераётган бўлса... Майли эди, ҳеч бўлмаса, Мудофаа вазири ўртоқ Д. Ф. Язов ўлим гражданликда ҳам бор-ку, дея оналар қалбини яна бўлажак фожиадан огоҳ этиб қўймаётган бўлса.

Ойномамиз шу мавзуни ўз ичига олган саҳифаларни мунтазам ёритиб боради. Бунга муштарийларнинг мактублари асос бўлади.

Хуллас, режаларимиз. Сиз кутгандек, азиз «Саодат»хонлар! Фақат бундан воқиф бўлиш учун «Саодат»га обуна бўлишингиз қолди.

Чори ЛАТИПОВ,
«Саодат» ойномаси масъул котиби.

ТВ

18 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.15 Такрорий фильмлар экрани. «Тиниб-тинчимаган кариялар». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Самовий саргузашт». Мультфильм. 18.25 «Кичкинтой» програмаси. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Долзарб мавзу. 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 «Доира довруғи». Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Талъат Сайфуддинов. Видеофильм премьераси 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

16.15 Болалар учун фильм. «Медиум Сабинела ёки сеҳрли қутича сири» (ГДР телевидениеси). 16.45 В. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун ля-мажор концерти. 17.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 17.45 Мультфильмлар: «Капитанлар ороли». 1 ва 2-фильмлар. 18.15 Илмий хабарнома 19.00 «Вақт». 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Долзарб интервью. 22.50 «Учмоқ». Мусиқий телефильм премьераси. 23.45 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа. 01.00 «ТСН».

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.
Д. — 28596.